

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“ТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛЬТЕТИ

“МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ

**1-МЖ-11 гуруҳ талабаси
Турсунбоев Бахтиёржон Козимжон ўғли**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Корхоналарда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш ва уларнинг таҳлили
(«Норин тола» ОАЖ мисолида)

Илмий раҳбар:

к.ўқ.Ш.Қорабоев

Наманган-2015

Аннотация

Турсунбоев Бахтиёржон Козимжон ўғлининг “Корхоналарда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш ва уларнинг таҳлили” (Норин тумани мисолида) мавзусидаги битирув малакавий ишининг мақсади иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхоналарда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишни ташкил этишнинг назарий асослари, “Норин тола” ОТАЖида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий таҳлили, корхоналарда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар қисмидан иборат. Биринчи бобда иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхоналарда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишни ташкил этишнинг назарий асослари, фойда ва рентабилликни бошқаришнинг назарий асослари, иккинчи бобда “Норин тола” ОТАЖида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий таҳлили, учинчи бобда эса корхоналарда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари баён қилинган.

МУНДАРИЖА

	Кириш.....	4
I-Боб	Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхоналарда ишлаб чиқариш омилларида фойдаланишни ташкил этишнинг назарий асослари	6
1.1.	Корхоналар ишлаб чиқариш тизимининг моҳияти, унинг структураси ва асосий элементлари	6
1.2.	Корхоналарда ишлаб чиқариш омилларида туркумланиши	9
1.3.	Ишлаб чиқариш омилларида фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш	14
II-Боб	“Норин тола” ОТАЖида ишлаб чиқариш омилларида фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий таҳлили	19
2.1.	“Норин тола” ОТАЖининг умумий иқтисодий тавсифи	19
2.2.	“Норин тола” ОТАЖида хом-ашё ва ишлаб чиқариш захираларидан фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили	21
2.3.	“Норин тола” ОТАЖида ишлаб чиқариш омилларида фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлили	23
III-Боб	Корхоналарда ишлаб чиқариш омилларида фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари	33
3.1	Корхоналарда ишлаб чиқариш тизими самарадорлигини ошириш омилларида унумли фойдаланиш йўллари	33
3.2	Корхоналарда ишлаб чиқариш омилларида фойдаланиш самарадорлигини оширишда инвестициялардан фойдаланиш	35
	Хулоса ва таклифлар.....	42
	Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати.....	45

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса энг аввало ишлаб чиқариш корхоналарини ишлаб чиқариш омилларидан мақсадга мувофиқ ва самарали фойдаланиш зарур бўлади. Бунда асосан “жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишда фаол ва аниқ йўналтирилган инвестиция сиёсати юритиш энг муҳим омил ҳисобланади”¹.

Корхоналарда иқтисодий ишлаб омилларидан самарали фойдаланиш ва уларни бошқаришни такомиллаштириш уларни ривожланишини таъминлашнинг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Чунки ушбу омилларни самарали бошқариш таннархни камайтириш ва шу асосида маҳсулот рақобатбардошлиги оширишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Бу эса корхоналарни ички ва ташқи бозорларда мустаҳкам ўрин эгаллашини таъминлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган айрим ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш даражасига етгани йўқ. Уларда маҳсулот таннархини пасайтириш, фойда ва рентабелликни оширишга қаратилган янги техника-технологияларни ва бошқарувнинг илғор усулларини жорий этиш жуда ҳам сустр олиб борилмоқда. Бу эса айрим ишлаб чиқариш корхоналарининг ўз фаолиятларини тўлақонли амалга ошира олмаётганликларида ва инқирозга учраётганлигида ўз аксини топмоқда. Ушбу муаммолар ўз ўрнида мавзунинг ўта долзарблигини билдиради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корхоналарда ишлаб чиқариш омилларини бошқариш самарадорлигини оширишнинг айрим жиҳатлари иқтисодий адабиётларда ёритиб берилган. Айниқса ушбу муаммолар ечими, С.Ғуломов, М.Шарифхўяев, О.Хикматов, Т.Эргашев, А.Ортиқов, Э.Маҳкамов, В.Адамчук, Қ.Абдурахмонов ва И.Сергеев, С.Аникеев ва бошқа етакчи иқтисодчилар илмий ишларида ўз аксини топган.

Тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари. Битирув-малакавий ишида қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юзасидан мулоҳаза ва ёндашувларни амалга ошириш назарда тутилади:

- корхоналар ишлаб чиқариш тизимининг моҳияти, унинг структураси ва асосий элементлари моҳиятини очиб бериш;
- корхоналарда ишлаб чиқариш омилларининг туркумлаш;
- ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш усулларини ўрганиш;

“Норин тола” ОТАЖининг умумий иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

-“Норин тола” ОТАЖида хом-ашё ва ишлаб чиқариш заҳираларидан фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлил қилиш;

-“Норин тола” ОТАЖида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

- корхоналарда ишлаб чиқариш тизими самарадорлигини ошириш омилларидан унумли фойдаланиш йўллари тадқиқ қилиш;

- корхоналарда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда инвестициялардан фойдаланиш бўйича таклифлар бериш.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб корхоналарда ишлаб чиқариш омилларини самарали бошқаришда амал қиладиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти. Изланишнинг асосий объекти қилиб -“Норин тола” ОТАЖи олинди.

¹ Ислон Каримов. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Тошкент: Ўзбекистон, 2015 йил. 9-бет.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асоси бўлиб Президентимиз И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қарор топтиришнинг ўзига ҳос йўли, Президент Фармонлари, Ҳукумат Қарорлари ва ҳуқуқий далолатномалар, корхоналарда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида эришилган илғор тажрибалар хизмат қилди.

Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар қисмидан иборат. Биринчи бобда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишни ташкил этишнинг назарий асослари, фойда ва рентабилликни бошқаришнинг назарий асослари, иккинчи бобда “Норин тола” ОТАЖида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг ўзига ҳос хусусиятлари ва иқтисодий таҳлили, учинчи бобда эса корхоналарда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари баён қилинган.

I-Боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхоналарда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишни ташкил этишнинг назарий асослари

I-1. Корхоналар ишлаб чиқариш тизимининг моҳияти, унинг структураси ва асосий элементлари.

Жамият тараққиётини моддий базаси ишлаб чиқариш билан ҳосил қилинади. Ишлаб чиқариш меҳнатга яроқли бўлган иш кучи билан ишлаб чиқариш воситаларини ҳаракатга келтирилиши туфайли моддий неъматлар ҳосил қилиади. Ишлаб чиқаришнинг моддий мазмунини меҳнат жараёни ташкил этади. Меҳнат жараёнида инсон ўзининг мақсадига мувофиқ онгли фаолияти орқали (бу меҳнат деб аталади) табиат моддалари ёки ашёларни жамият эҳтиёжларини қондириш учун зарур маҳсулотларга (ёки хизматларга) айлантиради.

Ишлаб чиқариш корхоналари миллий иқтисодийнинг барқарор тараққий этишида ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини бозор талабларига мос ҳолатда самарали ташкил этиш объектив заруратдир. Ҳозирги кунда тобора кучайиб бораётган рақобат муҳити ҳамда мунтазам ўзгариб турадиган бозор талаблари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, уни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан боғлиқ масалаларга нисбатан бизнинг ёндашувларни мутлақо қайтадан кўриб чиқишимизни талаб қилмоқда. Шу сабабли “корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш”² бугунги кундаги муҳим вазифалардан биридир.

Ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси ягона ишлаб чиқариш техник организм ҳисобланади яъни корxonанинг ишлаб чиқариладиган маҳсулот мақсадининг ҳамда уни ишлаб чиқариш жараёнларининг умумийлиги билан белгиланади.

Корхона мустақил хўжалик субъекти бўлиб, у истеъмолчилар талабини қондириш ва фойда олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш учун амалдаги қонунлар асосида ташкил топади. Корхона ўзи мустақил фаолият юритади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг олинган фойдани ўзи бошқаради. Бир сўз билан айтганда корхона ўзи мустақил товар ишлаб чиқарувчидир.

Корхонага хос бўлган характерли хусусиятлар - биринчидан, ишлаб чиқариш жараёнларининг умумийлигида акс этувчи ишлаб чиқариш-техника бирлиги, иккинчидан, раҳбарият, режа, ҳисоб-китобни ўзида мужассамлаштирган ташкилий бирлик, учинчидан, моддий, молиявий техник ресурслар ҳамда иқтисодий натижаларни умумлаштирувчи иқтисодий бирликдан иборат.

Корхона бир турдаги цех ёки участкадан, технологик жиҳатдан бир хил бўлмаган цехлардан ташкил топади ҳамда уларнинг биргаликда олиб борган фаолияти натижасида маҳсулот ишлаб чиқарилади, ишлар бажарилади, хизматлар кўрсатилади. Корxonани яхлит қилиб бирлаштирадиган муҳим белгилар бу ёрдамчи хўжаликлар ва умумийлаштирувчи майдондир.

Ҳар бир корxonанинг асосий фаолияти - маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатишга йўналтирилган асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи жараёнларнинг йиғиндисидан иборат.

Асосий жараён, одатда, тайёрлаш, ишлов бериш, йиғиш босқичларини ўз ичига олади.

Тайёрлов босқичида шу корxonанинг ўзида ишлов бериш давом эттириладиган ярим тайёр маҳсулот (заготовка)лар тайёрланади.

Ишлов бериш босқичида ярим тайёр маҳсулотлар ёки материалларга ишлов бериш натижасида тайёр маҳсулот олинади.

Йиғиш босқичи - бу босқичда буюм қисмлари йиғилади ва тайёр маҳсулотга айланади.

² Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари.// Тошкент:Ўзбекистон, 2009 йил. 32-бет.

Ёрдамчи жараёнлар деганда (масалан, машинасозликда) дастгоҳлар, бино, иншоотларни таъмирлаш; техник асбоб-ускуналарни тайёрлаш ва таъмирлаш; барча турдаги энергиялар (електр, иссиқлик, сиқилган ҳаво)ни ишлаб чиқиш ва узатиш тушунилади. Баъзи ёрдамчи жараёнлар уч босқичдан: тайёрлов, ишлов бериш ва йиғиш (масалан, техник ускуналарни тайёрлаш) жараёнларидан ташкил топиши мумкин.

Хизмат кўрсатувчи жараёнларга асосий ва ёрдамчи жараёнларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган (масалан, омбор ишлари, назорат ишлари) жараёнлар киради.

Ишлаб чиқариш жараёни айрим қисмларга бўлинади ва бу жараёнларнинг таркиби операциялардан ташкил топади.

Операция-ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисми бўлиб, у ишчи ўрнида дастгоҳни ёки унинг қисмларини ўзгартирмаган ҳолда битта ишчи томонидан бажарилади. Операциялар асосий ва ёрдамчи операцияларга бўлинади.

Ишчи ўрни - бу ишлаб чиқариш майдонининг бир қисми бўлиб, у ишчилар ишлаб чиқариш жараёнидаги маълум операцияларни бажариши учун зарур бўлган дастгоҳ ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган жойдир.

Корхоналарда ишлаб чиқаришни бўлимларга (цех, участка, хизмат кўрсатувчи бўлимлар) ажратиш, уларни жойлаштириш ва ўзаро алоқа принциплари ўртасидаги меҳнат тақсимотини аниқлайди.

“Корхонанинг ишлаб чиқариш структураси – бу корхонанинг таркибига кирувчи ишлаб чиқариш бирликлари жамланмаси (цех, бўлим ва хизматлар) ва улар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг шакллари дир. Ишлаб чиқариш структураси тайёрланаётган маҳсулот ва унинг номенклатурасига, ишлаб чиқариш тури ва унинг ихтисослашув шаклига ва технологик жараёнларнинг хусусиятларига боғлиқ”³.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхонани ишга туширишга тайёрлаш корхонанинг ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш: биринчидан, тез мослашувчан, яъни корхона мақсадларига мос ҳолда амалга ошириладиган ўзгаришларга доимий равишда мослашувчан (масалан, корхонада катта ўзгаришлар содир қилмаган ҳолда унинг фаолиятини кенгайтириш имкониятини яратиш); иккинчидан, ташқи муҳитда содир бўлган кутилмаган ўзгаришларга тезда мослашиш, (масалан, бозор конъюнктурасини ўзгариши); учинчидан, корхона олдида турган вазифаларни ўзгаришига қараб ишлаб чиқариш бўлимларини ўзини-ўзи самарали бошқариш қобилиятига эга бўлишни албатта ўз ичига олиши керак.

Ҳар бир йирик корхона катта бўлимлар (цех, хизмат кўрсатиш хўжалиги)га ва кичик ҳажмдаги (участка, бўлим, ишчи ўринлари)га ажратилади.

Корхонанинг катта бўлимлари - цехлар: асосий, ёрдамчи, хизмат кўрсатувчи ва бошқаларга ажратилади.

Цех - маҳсулот ва унинг қисмлари ёки технологик жараённинг айрим босқичлари бажариладиган корхона бўлимларини ишлаб чиқариш жараёнлари билан чамбарчас боғланган бўлими дир.

Асосий цехларда жараёнлар меҳнат қуролига сифат ўзгариши бўйича ишлов бериш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган.

Ёрдамчи цехлар маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этмайди, аммо асосий цехларда ишларни бажариш учун зарурий шароитларни таъминлайди (масалан, таъмирлаш цехи).

Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар асосий ва ёрдамчи хўжаликларга хизмат кўрсатади (масалан, омбор хўжалиги, энергетика хўжалиги, транспорт ва бошқалар).

Кўшимча цехлар асосий цехлардан чиққан чиқиндиларни қайта ишлаш билан шуғулланади (масалан, халқ истеъмоли молларини тайёрлаш цехлари).

Корхонанинг ишлаб чиқариш структураси билан боғлиқ бўлган муҳим иқтисодий масала, бу асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи цех (участка) лар ўртасидаги муносабат дир.

³ Производственный процесс и типы производств. <http://www.aup.ru/books/m83/7.htm>

Маҳсулотни тайёрлаш жараёни асосий ишлаб чиқариш цехларида амалга оширилади, шунинг учун бу цехлар нафақат ўзининг корхона фаолиятидаги ўрни билан, балки унда ишлаётган ишчилар сони ва ишлаб чиқариш майдони билан устун туради. Шу билан бирга йирик корхоналарда ёрдамчи ишчилар сони асосий ишчилар сонидан кўпроқ бўлади. Бундай нисбат шу корхонанинг юқори даражада механизациялашган ва автоматлаштирилганлигидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида асосий цехларда оғир ишларни камайишига, ишчилар сонини қисқаришига олиб келади ва шу билан бирга дастгоҳларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш ишларини кўпайтиради. Бу вазиятни ёрдамчи ишларни механизациялаш орқали бартараф қилиш мумкин.

Ишлаб чиқариш тизими мақсади ва таҳлилига қараб турлича структураларда кўрсатилиши мумкин. Масалан, асосий воситалар, кадрлар, ишлаб чиқариш структуралари.

Корхонанинг ишлаб чиқариш структураси доимий бир хил бўлмайди. У ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ва тури, техника, технология ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштирилиши натижасида такомиллашиб боради.

Корхонанинг ишлаб чиқариш структураси қуйидаги ўзаро боғлиқ бўлган учта омиллар: корхонани ихтисослаштириш даражаси ва бошқа корхоналар билан биргаликда иш олиб бориш асосида ташкил этиш шакли (кооперация); корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами (масштаби) ва унинг мураккаблиги; технологик жараённинг хусусиятларига боғлиқ.

Корхонанинг ихтисослаштириш даражаси бевосита цехлар ўртасида ишлаб чиқариш жараёнларини тақсимлаш даражаси корхона ичида ва бошқа корхоналар билан биргаликда меҳнатни тақсимлаш асосида ишни ташкил қилиш шаклини аниқлайди. Корхонанинг ихтисослаштириш даражаси қанча юқори бўлса, тор соҳадаги цехларни ташкил қилишга имконият яратилади.

Ишлаб чиқариш кўлами бевосита корхонада цехларнинг таркиби ва сонини, уларнинг майдонини аниқлайди ҳамда цехларни ихтисослаштириш даражасига катта таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш кўлами қанча катта бўлса, корхона цехлари шунча кўп ва ишлаб чиқариш майдони шунча катта бўлади ҳамда кўп миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилади. Йирик корхоналарда технологик жиҳатдан бир турдаги бир нечта цехлар-механика, йиғиш, куйиш ва бошқаларни ташкил қилиш мумкин. Аксинча, йирик корхоналарда цехсиз ишлаб чиқариш структурасини ҳам яратиш мумкин.

Технологик жараёнларнинг хусусияти бевосита корхона цехларининг таркибини аниқлайди ва уни ихтисослаштиришга таъсир кўрсатади.

Турли саноат тармоқлари корхоналари бир хилдаги ишлаб чиқариш структурасига эга эмас. Ҳатто бир тармоққа оид корхоналарнинг ҳам ишлаб чиқариш структураси бир-биридан фарқ қилади.

Қурилиш корхоналарида ишлаб чиқариш структураси янги корхона қурилиши, мавжуд бинони қайта қуриш, дастгоҳларни қайта жойлаштириш, цех ва участкаларни механизациялаш масалаларини аниқлаб беради.

Цехлар технологик, бир турдаги ёки аралаш шаклда ихтисослаштириш асосида ташкил қилиниши мумкин. Шунинг учун корхонанинг ишлаб чиқариш структурасини учта турга ажратиш мумкин.

Биринчи - технологик тур. Корхоналарда бундай цехларни ташкил қилиш технологик принципга асосланади. Бундай цехлар заводда ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотлар учун турли хилдаги деталлар тайёрлаш ёки уларга ишлов беришдаги бир турдаги технологик операциялар мажмуини (комплекс) бажаради.

Ишлаб чиқариш структурасини бундай турига тайёрлов цехларини киритиш мумкин.

Технологик турнинг камчиликлари шундан иборатки, цех раҳбарияти ишлаб чиқариш жараённинг маълум бир қисмига жавоб беради. Цехда турли хилдаги деталлар тайёрланганлиги сабабли дастгоҳларни технологик жараён тартиби бўйича жойлаштириш қийин. Шунинг учун уларни бир тур ва гуруҳлар бўйича жойлаштирилади, бу эса, цех ичида ярим тайёр маҳсулотларни ташиш масофасини узайтиради.

Цехларни ихтисослаштириш ишлаб чиқариш синкли давомийлигини узайтиради.

Технологик хусусиятига кўра асосий цехларни ташкил қилиш доналаб ва кичик серияларда турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда ташкил қилинади.

Иккинчи - маҳсулот (буюм) тури. Корхона ишлаб чиқариш структурасини бундай тури бўйича цехларни ташкил қилиш асосида маҳсулот белгиси этади. Бу ҳолатда цехлар чекланган турдаги буюмлар, деталлар ва детал қисмларини тайёрлашга ихтисослашган бўлиб, унда технологик жараён ва операцияларни бажаришда турли хилдаги дастгоҳлардан фойдаланилади.

Корхонани ишлаб чиқариш структурасининг бу тури анча тараққий этган бўлиб, бундай ихтисослашув серияли ишлаб чиқаришни, оммавий ишлаб чиқаришда поток линияларини ташкил қилиш имконини беради.

Ишлаб чиқариш миқёсини кенгайиб боришига қараб дастгоҳларнинг габарит ўлчамлари ёки маҳсулот тайёрлаш учун ишлатилаётган металл ёки бошқа турдаги хом ашёларни ҳисобга олган ҳолда, цехларни технологик ихтисослаштириш амалга оширилади. Машинасозлик саноатида корхонани ишлаб чиқариш структурасини аралаш тури кенг қўлланилади. Бундай корхоналарда цехларни ташкил қилиш асосида маҳсулот-технология принципи этади.

I-2. Корхоналарда ишлаб чиқариш омилларининг туркумлиниши

Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи ва ишлаб чиқаришда амал қиладиган кучлар унинг омиллари ҳисобланади. Ўсиш юз бермаса иқтисодиёт статик (ўзгармас), аксинча бўлса динамик (ривожланувчи) ҳолатда бўлади. Иқтисодий динамикани эса ишлаб чиқаришни ўстирувчи омиллар таъминлайди. Энг сўнгги иқтисодий ўсиш назарияларига кўра омилларнинг асосийлари: табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати, меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати, ишлаб чиқаришда асосий капитал миқдори ва таркиби ва ниҳоят, ишлаб чиқаришнинг технология даражаси. Булар, албатта, ишлаб чиқариш омилларининг ҳажмини ва сифатини билдиради, иқтисодий ўсиш имкониятларини аниқлатади. Эришилган технология шароитида ресурслар маълум даража доирасидаги иқтисодий ўсиш бериши мумкин, чунки ундан чиқишга ресурслар имкон бермайди. Агар бу ҳолатни деҳқончиликда қараб чиқсак, мисол учун ҳозирги пахтачилик технологияси бир гектардан 30 центнер пахта олиш имконини беради. Бинобарин 1,5 млн. га ердан 4,5 млн. тоннадан ортиқ ҳосил кўтариб бўлмайди. Шу доирада айтилган мўлжалга чиқиш учун ҳамма ресурслар тўла ишга тушиши керак. Муайян даврда техника имкони ҳам чекланган бўлади. Масалан, бир станокда бир киши иш кунида 1200 та деталь яратади, лекин уни 10000 донга тайёрлаш имкони йўқ. Самолёт 100 тонна юкни кўтариши ва соатига 8 минг км учуши мумкин. У 500 тонна юкни олиб соатни 5 минг км уча олмайди, чунки бунга технология даражаси имкон бермайди. Ишловчилар сони ҳам чекланган. Мамлакатда 100 млн. аҳоли яшаса ишга яроқлилар 50 млн. бўлиши мумкин, улар ҳеч қачон 80 млн. киши бўлмайди, чунки болалар ва қариялар ишга ярамайди. Инсоннинг ишлаш қобилияти ҳам чегараланган. У ишни оғир енгиллигига қараб 7-10 соат ишлаши мумкин. У ҳеч қачон бир кеча-кундузда 20 соат ишлай олмайди. Ресурслар чекланганлигидан ишлаб чиқариш ресурслар белгиланган доирадан чиқа олмайди, аммо улар тежамлик ишлатилса, ўсиш максимал даражага чиқа олади.

“Умумлашган ҳолда олинганда иқтисодий ўсиш икки омилга-меҳнат сарфининг массасига ва меҳнат унумдорлигига боғлиқ. Лекин улар бошқа кичик омиллар ҳосиласига меҳнат массаси ишловчилар сонига ва ишланган вақтга боғлиқ”⁴. Меҳнат унумдорлиги эса техника тараққиётига инвестиция миқдорига ишловчининг маълумоти ва касбий малакасига ресурсларнинг жойлашувига, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаларга боғлиқ. Агар ишловчилар сони 1 млн. киши бўлса; улар кунига 7 соат ишлайди, бир йилда 270 иш куни деб олсак ҳаммаси бўлиб 1 млрд. 890 соат ишлатилган бўлади. Агар меҳнат унумдорлиги 1 соатда 30 фунт-стерлинг миқдорида маҳсулот яратиш имконини берса ҳаммаси бўлиб 56,7 млрд. фунт-стерлингга тенг маҳсулот яратилади. Ишловчилар сони 3 фоиз (30 минг киши) 1 соатли меҳнат

⁴ “Факторы и типы экономического роста” <http://www.elitarium.ru/2007/10/26>

унумдорлиги 1,5 фунт стерлинг (5 фоизга ошса) яратилган маҳсулот 61 млрд. 321 млн. фунт-стерлингга тенг бўлади.

Ҳар бир ишловчига тенг келадиган фондлар миқдори меҳнатнинг фондлар билан қуролланиш даражаси ҳисобланади ва бу кўрсаткич меҳнат унумдорлигига таъсир этади.

Меҳнат унумдорлиги орқали иқтисодий ўсишни таъминловчи яна бир омил - бу ресурсларнинг турли соҳаларига тақсимланиши еки ишлаб чиқариш структураси таркибидир. Агар ишлаб чиқариш структураси қолоқ, яъни унда эски тармоқлар етакчи бўлса меҳнат унумдорлиги усмайди, бинобарин иқтисодий ўсиш ҳам самарали бўлмайди. Шу сабабли структура силжишлари иқтисодий ўсишнинг шартларига айланади. Шунинг назарда тутган ҳолда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш дастурида ишлаб чиқариш структурасини ўзгартириш устивор вазифа дейилади.

Иқтисодий ўсиш омилларининг ишлаб чиқариш тараққиётидаги аҳамияти ҳар хил. Саудия Арабистони ва +увайт учун нефтга бой бўлиш иқтисодий ўсишда ҳал қилувчи, Японияда техника тараққиёти ва иш кучининг малакаси устивор аҳамиятга эга. Тараққиёт давомида турли омилларнинг нисбати ўзгариб туради. Аммо қонуният шуки, жамият ривожланган сари иқтисодий ўсишда фан-техника тараққиёти ва инсон омилларининг аҳамияти ортиб боради.

Ишлаб чиқаришнинг моддий мазмунини меҳнат жараёни ташкил этади. Меҳнат жараёнида инсон ўзининг мақсадига мувофиқ онгли фаолияти орқали (бу меҳнат деб аталади) табиат моддалари ёки ашёларни жамият эҳтиёжларини қондириш учун зарур маҳсулотларга (ёки хизматларга) айлантиради. Меҳнатни амалга ошириш учун инсон муайян жисмоний ва ақлий қобилиятларга, билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиши лозим. Инсоннинг меҳнат қила олиш қобилияти ишчи кучи деб аталади. Меҳнат инсоннинг ажралмас хусусияти бўлганлиги учун назарияда ва амалиётда меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган кишилар йиғиндисини меҳнат ресурслари деб юритилади. Меҳнат ресурслари ишлаб чиқаришнинг шахсий омилли ёки инсон омиллини ташкил этади.

Меҳнат жараёнида фойдаланиладиган воситалар (бирламчи табиат моддалари ва қайта ишланган табиат моддалари) ҳамда меҳнат жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий шарт-шароитлар ишлаб чиқаришнинг буюмлашган ёки моддий омиллини ташкил этади. Бирламчи табиат моддалари ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишда энг биринчи моддий манба бўлиб хизмат қилади. Бироқ, ишлаб чиқариш ривожлана бориши билан кишилар табиат моддаларига бир марта ишлов бериш билан кифояланмасдан, уларга қайта ва қайта ишлов берадилар. Ишлаб чиқаришнинг табиат томонидан яратилган шарт-шароитларига қўшимча равишда кишилар меҳнати билан ҳам ишлаб чиқаришнинг янада мукамалроқ моддий шарт-шароитлари вужудга келтирилади. Ишлаб чиқариш моддий омиллини таърифлаш учун ҳозирги замон назариячилари ишлаб чиқариш воситалари тушунчасидан фойдаланадилар (кўп ҳолларда “капитал” атамаси ҳам қўлланилади).

Ишлаб чиқариш воситалари меҳнат буюмларидан ва меҳнат воситаларидан иборат. Меҳнат буюмларига ишлаб чиқариш жараёнида ишлов берилади. Улар илгари инсон меҳнати таъсирида бўлмаган табиий ресурслардан ёки инсон меҳнати натижаси бўлган моддий ашёлардан иборат бўлиши мумкин. Меҳнат воситалари эса меҳнат қуролларига (ишлаб чиқариш қуролларига) ва меҳнатнинг моддий шароитлари бўлиб хизмат қилувчи воситаларга бўлинади. Меҳнат қуроллари албатта инсон меҳнати билан яратилади.

Ҳозирги замон иқтисод фани ишлаб чиқариш омилли деб ишлаб чиқариш натижаларини белгилаб берувчи объектлар, элементлар ёки шарт-шароитларни тушунади. Ишлаб чиқариш омиллари тўрт асосий гуруҳга бўлинган ҳолда таҳлил қилинади: ер, капитал, меҳнат ва тадбиркорлик қобилияти.

Ер табиий омил сифатида қаралади. У инсон фаолиятининг маҳсули эмас, балки табиатнинг инъомидир. Омилларнинг ер деб номланадиган гуруҳига барча табиий бойликлар, фойдали қазилмалар конлари, ишлов берилаётган ерлар, ўрмонлар киради.

Ишлаб чиқариш жараёни ҳар доим у ёки бу даражада табиий ресурслардан фойдаланишга асосланган. Кенг маънода жамият ва инсон табиатнинг ажралмас қисмидир ва

табиатдан ташқарида ўз фаолиятини олиб бора олмайди. Табиий ресурслар ишлаб чиқаришнинг муқаррар шарти сифатида унинг ўсиши учун табиий негиз бўлиб хизмат қилади. Улар, шунингдек, жамият миллий бойлигини яратишнинг муҳим манбаидир. Инглиз иқтисодчиси У.Петти: "Меҳнат-бойликнинг отаси, ер эса унинг онаси", – деган эди.

Ер ҳар қандай жамият, ҳар қандай мамлакатнинг бекиёс бойлигидир. У битмас-туганмас хазина бўлиб, келгуси авлодларга ҳам қоладиган асосий меросдир. Шунингдек, ер кишлок хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳамдир. Ерга икки жиҳатдан, биринчидан, худуд, иккинчидан, тирикчилик манбаи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳаёти учун зарур бўлган тупроқ, инсон учун озиқ-овқат, саноат учун хомашё этиштириб берадиган экин майдонлари сифатида қараш лозим.

Капитал ишлаб чиқаришнинг омили сифатида товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган неъматларнинг йиғиндисидан иборатдир. Уларга асбоб-ускуналар, машиналар, бинолар, омборлар, транспорт коммуникациялари, алоқа воситалари ва бошқалар киради. Кенг маънода олиб қаралганда, моддий капитал тушунчаси ўз таркибига хомашё ва материалларни ҳам олса-да, тадқиқотчилар капитал тушунчасини ишлаб чиқаришда кўп марта ишга солинадиган моддий элементлар билан чеклайдилар. Фанда тадбиркорлик фаолиятида ишга солинаётган пул маблағлари ҳам капитал деб аталади. Назарий маънода эса пул тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришда унинг омили сифатида иштирок эта олмайди. Шунинг учун назарий маънода қўлланаётган капитал тушунчасини пул маблағларини ҳам ўз ичига оладиган амалий хўжалик фаолиятидаги капитал тушунчасидан фарқлаш учун моддий капитал атамасидан фойдаланадилар. Моддий капиталнинг техник ҳолати ва даражаси ишлаб чиқариш самарадорлигига жуда кучли таъсир этади ва унинг самарадорлигини белгилаб беради.

Товар ва хизматларни яратишда ишга солинадиган инсоннинг ақлий ва жисмоний қобилиятлари *меҳнат* омилини ташкил этади. Қобилиятлар йиғиндиси ходимнинг маълумот даражаси, касбий таълим эгаллаганлиги, кўникмалари, жисмоний салоҳияти ва бошқа хусусиятлари билан белгиланади, Буларнинг ҳаммаси замонавий фанда инсон капитали тушунчаси билан ифодаланади. Ходимнинг юқори малакасига, юксак меҳнат қобилиятига эришиш учун уни ўқитиш ва тарбиялаш лозим. Демак, меҳнат омилини яратиш учун ҳам моддий капитал талаб этилади. Ходимни тайёрлаш учун йўналтирилган харажатларнинг натижаси сифатида мужассамлашган шахслар инсон капитали бўлиб майдонга чиқадилар. Инсон капиталига инвестицион қўйилмалар ҳозирги пайтда энг самарали ва ўзини энг тез оқлайдиган қўйилмалар ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш воситалари билан бир қаторда инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти, яъни ишчи кучи истеъмол қилинади. Ишлаб чиқаришнинг бошқа омилларидан фарқли равишда инсон ишлаб чиқариш жараёнида онгли равишда, фаоллик ва ташаббускорлик билан иштирок этади. Инсоннинг замонавий иқтисодиётдаги яратувиллик роли меҳнат омили тушунчаси орқали ифода этилади.

Инсон иқтисодиётнинг бирламчи субъектидир. Иқтисодиётнинг алоҳида олинган инсондан фарқланувчи бошқа субъектлари ҳам пировард натижада кишиларнинг турли-туман гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи уюшмалар бўлиб майдонга чиқади. Инсон иқтисодиётнинг ташаббускор субъекти, у танлаш эркинлигига эга ва ўзининг нуқтаи назаридан иқтисодий оқилона ва самарали қарорлар қабул қилади, бунда ўзининг манфаатлари ва мақсадларига мувофиқ ҳолда мавжуд шарт-шароитларни эътиборга олади, керакли ахборотлардан фойдаланади. Иқтисодий адабиётда ўзининг иқтисодий манфаатларини англаб этган ва бу манфаатларга мувофиқ ҳолда ҳаракат қилувчи инсонни иқтисодий инсон деб атайдилар.

Инсон ишлаб чиқариш жараёнида ишчи кучи сифатида ёки тадбиркор сифатида иштирок этади. Баъзан эса инсон ишлаб чиқаришда ҳам ишчи кучи, ҳам тадбиркор бўлиб иштирок этиши ҳам мумкин. Юқорида қайд этилганидек, ишчи кучи инсоннинг меҳнат жараёнида ишга солинадиган жисмоний ва ақлий қобилиятлари йиғиндисида. Бу қобилиятларнинг бир қисми инсонда табиатан, аввалдан мавжуд бўлса, иккинчи қисми инсонни ўқитиш ва тарбиялаш натижасида шакллантирилади, учинчи қисми эса меҳнат жараёнида иштирок этиш мобайнида вужудга келади.

Ишлаб чиқариш жараёнида инсон якка равишда эмас, балки жамиятнинг бошқа аъзолари билан биргаликда иштирок этади. Шунинг учун индивидуал ишчи кучи жамият миқёсидаги жами ишчи кучининг бир бўлаги сифатида ишга солинади. Жами ишчи кучининг таркиби унинг қандай касблардан ташкил топганлиги, уни ташкил этувчиларнинг билимлари ва малака даражаси, ижтимоий ишлаб чиқаришни техника билан қуролланганлиги, мавжуд технологиялар, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилиши, концентрацияси, ихтисослашиши ва кооперациялашуви каби омилларнинг талабларига мос равишда шаклланади.

Мамлакат аҳолисининг меҳнатга яроқли ёшдаги, ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этиш учун зарур жисмоний ва ақлий қобилиятларга, муайян маълумот даражасига эга бўлган қисми меҳнат ресурслари деб аталади. Меҳнат ресурслари миқдори мамлакатнинг меҳнат салоҳиятини ифодалайди. Бу салоҳият зарур моддий шароитлар мавжуд бўлса, дарҳол ишга солиниши мумкин. Меҳнат ресурсларининг бозорда ишлаб чиқариш ресурси сифатида таклиф этилаётган қисми инсон ресурслари деб юритилади. Инсон ресурслари бошқа ишлаб чиқариш ресурслари (табиий, моддий, молиявий) билан бир қаторда ишлаб чиқариш омили бўлиб майдонга чиқади, муайян чегараларда бу ресурс бошқа ресурслар билан алмаштирилиши мумкин (масалан, қўл меҳнати ўрнига машиналардан фойдаланиш).

Моддий ва табиий ресурсларни бошқариш билан бир қаторда инсонларни бошқариш ҳар қандай корхона ва ташкилотни бошқаришнинг таркибий қисмидир. Бироқ ўзининг хусусиятига кўра, одамлар ташкилотлар фойдаланадиган ҳар қандай ресурслардан жиддий фарқ қилади, бинобарин, бошқаришнинг алоҳида усуллари талаб қилади.

Тадбиркорлик қобилияти ишлаб чиқаришнинг ўзига хос омили бўлиб, инсоннинг ишлаб чиқаришнинг бошқа омилларини муайян комбинацияларда ва усулларда бирлаштира олиш қобилиятини билдиради. Бу қобилият тадбиркорда мужассамлашади ҳамда инсон капиталининг алоҳида туридир. Тадбиркорлик қобилияти инсонда ўз-ўзидан пайдо бўла олмайди, у инсонга тадбиркорлик учун зарур билимлар ва кўникмаларни сингдириш йўли билан ҳосил қилинади. Тадбиркорлик фаолияти инсоннинг шахсий фазилатларига ҳам боғлиқ, чунки ишлаб чиқаришни ташкил этишда тадбиркорлик, топқирлик ва оқилона тавваккалчилик талаб этилади. Ўз мазмунига кўра тадбиркорлик фаолияти инсон меҳнатининг ўта юқори малака талаб этувчи туридир. Тадбиркорлик фаолиятининг ишлаб чиқариш омили сифатидаги аҳамияти, айниқса, бозор муносабатлари шароитида ортади. Чунки бозор шароитида ишлаб чиқариш кучли рақобат мавжуд бўлган вазиятда олиб борилади, тижорат таваккалчилиги асосида маҳсулот янги турларини ишлаб чиқаришга, янги технологиялардан фойдаланишга, ресурсларни рақобат орқали қўлга киритишга тўғри келади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги вақтда юқорида санаб ўтилган анъанавий омиллар билан бир қаторда ахборот олиш ва экологик омиллар ҳам ишлаб чиқаришни оқилона ташкил қилиш ва унинг юқори самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири сифатида тобора юксак аҳамият касб этмоқда.

Ишлаб чиқариш жараёни барча омилларни ишга солиниб, амалга оширилади. Муайян буюмни ёки хизматни ишлаб чиқариш учун ер, меҳнат ва капиталнинг бирон-бир комбинацияси зарур бўлади. Бу омиллар бир-бири билан боғлиқ ҳолда ишга тушади ва бир-бирини тўлдириб туради. Масалан, газлама тўқиш учун ҳукукий жиҳатдан расмийлаштирилган фирма ташкил этиш, ер майдонини ижарага олиш, бу майдонда бинолар ва техникани (капитални) жойлаштириш, ходимлар ва менежерларни ёллаш зарур бўлади. Агар бирор омил ишлаб чиқаришга жалб этилмай қолса, ишлаб чиқариш жараёни содир бўлмайди. Ишлаб чиқариш омилларининг бу хусусияти уларнинг бир-бирини тўлдириши деб аталади.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш омиллари маълум чегараларда бир-бирининг ўрнини босиши ҳам мумкин. Муайян ҳажмдаги товарни ишлаб чиқаришга юқорида кўрсатиб ўтилган омилларнинг турли-туман нисбатларда бир-бирига қўшилиши натижасида эришилиши мумкин. Омилларнинг бу хилдаги ўзаро ўринбосарлиги иктисодиётнинг кўплаб соҳалари учун хос. Тадбиркор ишлаб чиқариш технологиясини танлашда муайян ресурсларнинг камёблигини эътиборга олади ва шу ресурслар ўрнига бошқаларидан фойдаланишга интилади.

Технология ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги ўзаро таъсирни ифода этган ҳолда фан ютуқларига асосланиб, меҳнат ашёларига ўз таъсирини ўтказди. Инсонлар ашёларнинг илгари маълум бўлмаган хусусиятларини ўрганиб, прогрессивроқ бўлган технологияни жорий қилиш натижасида янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш сирларини билиб оладилар, бу эса ишчи кучига, ишчининг малакасини оширишга янгидан - янги талаблар қўяди. Ушбу жараён эса ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришни доимо такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Ҳозирги ишлаб чиқариш жараёнида энергия ва ахборотнинг аҳамияти ошиб боради. Шубҳасизки, қудратли энергия манбаларини ўзлаштирмасдан туриб, ишчи кучи, меҳнат буюмлари ва воситаларининг ўзаро таъсирини самарали бўлишига эришиш мумкин эмас.

Корхоналарда фан-техника ютуқларини жорий этиш учун ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ишлаб чиқаришнинг техникавий, ташкилий ва иқтисодий тадбирлар мажмуаси мавжуд бўлиб, уларни жорий этиш натижаси ўлароқ энг илғор технологик жараёнлар юқори рентабеллик, сифатли маҳсулотлар тайёрлаш имконини яратиб беради. Ишлаб чиқариш корхоналарида технологик ва ташкилий тадбирлар фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиб, маҳсулот ишлаб чиқаришда техник-иқтисодий кўрсаткичларга ижобий таъсир қилади, меҳнат, хомашё ва материалларни кам сарф қилган ҳолда, юқори сифатли маҳсулотлар етказиб беришга имкон беради.

Инсон нималар ёрдамида меҳнат ашёси (предмети)га ўз таъсирини ўтказса, шу нарсалар меҳнат воситалари ҳисобланади. Унга биринчи навбатда меҳнат қуроллари киради. Улар қуйидагилардан иборат: ҳар хил машина ва механизмлар, асбоб-ускуналар, қурилмалар ва ҳоказо.

Меҳнат қуролларининг такомиллашиб бориши, табиатга инсоннинг ҳокимлик даражасининг ўсиши ишлаб чиқариш тараққиётининг кўрсаткичи ҳисобланади. Кенг маънода меҳнат жараёнида тўғридан-тўғри иштирок этмаса-да, лекин ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш иншоотлари, турли ахборот воситалари, алоқа каналлари ҳам меҳнат воситалари ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш жараёни амалга ошириш учун ишчи кучи билан ишлаб чиқариш воситалари қўшилиши, истеъмол қилиниши зарур.

Ишчи кучи ишлаб чиқаришнинг шахсий омили ҳисобланиб, жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш кучи ва унинг бирдан-бир яратувчи элементиدير. Ишлаб чиқариш воситалари эса ишлаб чиқаришнинг моддий омилини ташкил этади.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар иккала омили илмий-техника тараққиёти таъсири натижасида такомиллашиб боради. Ишлаб чиқариш воситалари ва инсон меҳнати бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади.

Ишчи кучи ишлаб чиқариш воситаларини ҳаракатга келтиради, бунинг натижасида меҳнат жараёни рўй беради. Фақат инсонгина ишлаб чиқариш воситаларини яратади ва улардан фойдаланиш усулларини аниқлайди, худди шу жараён ишлаб чиқарувчи кучлари тизимида шахсий ва моддий омилларнинг ўзаро боғлиқликда умумий йўналишини ташкил этади.

Янги техника ва технология ҳеч қачон ўз-ўзидан дунёга келмайди, уларни одамлар ижод қилади. Бирок, илғор меҳнат воситалари ва технологиялар ишлаб чиқаришда кенг тарқалгандан сўнг, ишчи кучининг умумий ҳолатини янги талаблар даражасига кўтариш керак бўлади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ишлаб чиқариш жараёни унинг омилларининг оддий йиғиндиси эмас, чунки улар ўзаро таъсир қилувчи мураккаб тизимни ҳосил қилади. Ҳар қандай бир бутун тизим эса унинг элементларининг оддий йиғиндисидан сифат жиҳатидан фарқ қилади. Ишлаб чиқаришни самарали бўлишига технология ва бошқариш таъсир этади.

Технология ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги ўзаро таъсирни ифода этган ҳолда фан ютуқларига асосланиб, меҳнат ашёларига ўз таъсирини ўтказди. Инсонлар ашёларнинг илгари маълум бўлмаган хусусиятларини ўрганиб, прогрессивроқ бўлган технологияни жорий қилиш натижасида янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш сирларини билиб оладилар, бу эса ишчи кучига, ишчининг малакасини оширишга янгидан - янги талаблар қўяди. Ушбу жараён эса

ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришни доимо такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Ҳозирги ишлаб чиқариш жараёнида энергия ва ахборотнинг аҳамияти ошиб боради. Шубҳасизки, қудратли энергия манбаларини ўзлаштирамасдан туриб, ишчи кучи, меҳнат буюмлари ва воситаларининг ўзаро таъсирини самарали бўлишига эришиш мумкин эмас.

Корхоналарда фан-техника ютуқларини жорий этиш учун ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ишлаб чиқаришнинг техникавий, ташкилий ва иқтисодий тадбирлар мажмуаси мавжуд бўлиб, уларни жорий этиш натижаси ўлароқ энг илғор технологик жараёнлар юқори рентабеллик, сифатли маҳсулотлар тайёрлаш имконини яратиб беради. Ишлаб чиқариш корхоналарида технологик ва ташкилий тадбирлар фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиб, маҳсулот ишлаб чиқаришда техник-иқтисодий кўрсаткичларга ижобий таъсир қилади, меҳнат, хомашё ва материалларни кам сарф қилган ҳолда, юқори сифатли маҳсулотлар этказиб беришга имкон беради.

Ишлаб чиқаришда техникавий тайёргарлик ташкил этиш қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишга қаратилади:

-энг илғор, прогрессив технологик жараёнларни жорий қилиш, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш;

-янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг технологик тизимларини яратиш, эскиларини эса янгилаш;

- юқори унумли технологик асбоб-ускуналарни танлаш ва жойлаштириш;

-асосий ва ёрдамчи материаллар сарфининг меъёрларини ишлаб чиқиш ва уларни кўллаш;

-технологик жараёнларнинг таркибини лойиҳалаш;

-меҳнат ва ишлаб чиқаришни илмий даражада ташкил этишнинг илғор шаклларини жорий этиш;

-юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлашнинг асосий мақсади илмий ишлаб чиқариш циклини яратиш, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини кўтариш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш, корхоналарнинг бир текисда, узлуксиз ва бир меъёрда ишлашини таъминлашдир.

I-3. Ишлаб чиқариш корхоналарида иқтисодий ўсиш омиллари самарадорлиги кўрсаткичлари ва уни ҳисоблаш

Корхоналарда иқтисодий ўсишни таъминлаш – корхона раҳбариятининг доимий вазифасидир. Бу вазифани ечиш амалиётда қуйидаги омиллар билан боғлиқ бўлади:

* бозор талабларига жавоб берувчи юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда энг кам харажатлар билан ишлаб чиқаришнинг максимал ҳажмини таъминловчи, оптимал ишлаб чиқариш жараёнини танлаш;

* истеъмолчилар талабини қондиришга йўналтирилган маҳсулотни сотиш ва юқори даромад (фойда) олиш;

* айланма воситаларни тежаш имкониятини яратувчи оптимал ишлаб чиқариш захираларини яратиш.

Хўжалик самарадорлигини ошириш омилларининг юқорида санаб ўтилган ҳар бири, фаолият юритишнинг турли шакл ва кўринишлари ёрдамида, ишлаб чиқариш самарадорлиги асосида ётувчи харажатлар ва ресурсларнинг ўзаро алоқасини инобатга олган ҳолда амалга оширилади (1.-жадвал).

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишдаги харажатлар ва ресурсларнинг ўзаро алоқаси

Моддий ва буюмлашган шаклда		Пул шаклида	
<i>Ресурслар</i>	<i>Харажатлар</i>	<i>Ресурслар</i>	<i>харажатлар</i>
Ишчи кучи сони	Меҳнат (сифат ва миқдор)	Меҳнат ҳақи фонди	Тўланган ойлик миқдори, жумладан, мукофот ва кўшимчалар
Бино, иншоот, машина ва ускуналар (меҳнат қуроллари)	Меҳнат қуролларининг эскириши	Асосий капитал	Амортизация ажратмалар
Меҳнат предметлари	Истеъмол, талаб, материаллар, ёқилғи, энергия ва ҳоказо	Айланма капитал	Сарфланган хом ашё, материал ва ҳоказолар қиймати
Тайёр маҳсулот	Дизайн, реклама, қадоқлаш, товар йўқотишлари	Муомала фондлари	+ўшимча харажатлар (қиймат)
-	-	Пул маблағлари	Кредит учун фоиз

Хўжалик самарадорлигини баҳолаш, корхонада фойдаланиладиган ресурс турлари бўйича амалга оширилиши ва миқдор жиҳатидан ўлчаниши мумкин. Масалан, *ишчи кучидан* фойдаланиш самарадорлигини меҳнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг меҳнат сиғими кўрсаткичлари ёрдамида қуйидаги формула асосида баҳолаш мумкин:

$$ПТ = \frac{Q}{Ч}$$

Бу ерда:

ПТ - меҳнат унумдорлиги;

Q - маҳсулот ҳажми қиймат кўринишида;

Ч - ишловчилар (ишчилар) сони.

Маҳсулотнинг меҳнат сиғими меҳнат унумдорлигига тескари катталиқ бўлиб, сарфланган меҳнат миқдорининг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати сифатида аниқланади:

$$T = \frac{Ч}{Q}$$

Меҳнат қуроллари (асосий фондлар)дан фойдаланиш самарадорлиги маҳсулотнинг фонд сиғими ва фонд қайтими кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади. Бунда фонд қайтими корхона асосий фондларининг бир бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқарилган маҳсулотни англатса, фонд сиғими эса фонд қайтимига тескари катталиқ бўлиб, янги асосий фондларни ташкил қилиш учун зарур бўлган капитал қўйилмаларни аниқлаш вазифасини бажаради.

Фонд қайтими (f_o) ва фонд сиғимини (f_e) аниқлаш формуласи қуйидагича:

$$f_o = \frac{Q}{\Phi}$$

Бу ерда:

Q - маҳсулот ҳажми, қиймат пул кўринишида;

Φ – асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати.

$$fe = \frac{\Phi}{Q}$$

Фонд қайтими қанчалик юқори ва фонд сиғими қанчалик паст бўлса, ишлаб чиқариш ва меҳнат қуролларидан фойдаланиш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади ва аксинча. Машина ва ускуналардан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш ҳамда ходимлар малакасини ошириш, фонд қайтимини кўпайтиришнинг муҳим заҳираси ҳисобланади.

Меҳнат қуролларидан фойдаланиш самарадорлиги, маҳсулотларнинг материал сиғими ёрдамида сарфланган хом ашё, материал, ёқилғи, энергия ва меҳнат предметларининг умумий қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати орқали аниқланади. Унинг формуласи қуйидагича:

$$m = \frac{M}{Q}$$

Бу ерда:

m - маҳсулотларнинг материал сиғими;

M - маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган моддий харажатларнинг умумий миқдори пул кўринишида;

Q - ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, қиймат кўринишида.

Маҳсулотнинг материал сиғими қанчалик паст бўлса, ишлаб чиқариш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Бироқ маҳсулот материал сиғимини камайтириш, унинг сифатини пасайтириш ёки технология норма ва қоидаларини бузиш ҳисобига амалга оширилмаслиги лозим. Материал сиғимининг бу тарзда камайрилиши иқтисодий жиноят ҳисобланади ва қонунга асосан жазога тортилади.

Бозор шароитларида корхона хўжалик фаолияти самарадорлигининг умумлаштирувчи ёки мезон кўрсаткичи сифатида рентабеллик ёки капиталнинг даромадлигини қабул қилиш мумкин. Бу кўрсаткич қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$R = \frac{\Pi}{A} * 100$$

Бу ерда:

R - рентабеллик, хўжалик фаолиятининг натижасини фойда шаклида кўрсатади ва фоизларда ўлчанади;

Π - корхонанинг баланс фойдаси;

A - авансланган капитал(асосий ва айланма).

Нисбатнинг катталашиши меҳнат, молия, технология ва моддий ресурсларидан унумлироқ фойдаланишни аниқлатади. Чунки айнан улар ишлаб чиқариш ҳажми ва харажатлари, маҳсулот баҳосига таъсир ўтказади. Хўжалик фаолияти минимал харажатлар билан юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган жойларда самаралироқ бўлади.

Корхона рентабеллигини аниқлашда баъзида корхона олган умумий фойда эмас, балки маҳсулот таннархини пасайтириш ҳисобига олинувчи фойда улушидан фойдаланилади. Бундай ёндашув корхонани ишлаб чиқариш маҳсулдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш қувватларидан тежамкорлик билан рационал тарзда фойдаланиш, натижада эса маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланувчи барча харажатларни камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар сари чорлайди. Юқорида келтирилган хўжалик самарадорлигини баҳолаш усуллари ва кўрсаткичларидан ташқари бугунги кунда амалиётда Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк +ўмитаси томонидан ишлаб чиқилган корхоналарнинг иқтисодий ночорлик белгиларини аниқлаш учун мезонлар тизими ҳам қўлланилади. Уларнинг қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

* тўлов қобилияти коэффиценти ($K_{пл}$);

* хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти ($K_{сс}$);

* молиявий мустақиллик коэффиценти ($K_{фн}$);

* хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти (K_{oc});

Бу кўрсаткичлар бир қарашда маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасига, демак, ишлаб чиқариш самарадорлигига алоқаси йўқдай туюлади. Аслида эса айнан улар орқали корхонанинг самарали фаолиятини англатувчи иқтисодий ва молиявий барқарорлик акс эттирилади. Бундан ташқари, маҳсулотнинг материал сиғими, фонд қайтими, меҳнат унумдорлиги ва рентабеллик кўрсаткичлари, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва таҳлил қилишда қўлланса, мезонлар тизими ёрдамида эса корхоналар ўзларининг фаолият юритиш қобилиятини кўрсатади ҳамда турли хил муаммоли вазиятларда хўжалик судларида ўз манфаатларини ҳимоя қилади.

Тўлов қобилияти коэффиценти ($K_{пл}$) корхонанинг дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда тайёр маҳсулот ва бошқа моддий воситаларини сотишнинг қулай шароитларда сотиш орқали баҳоланадиган тўлик имкониятларини кўрсатади. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{пл} = \frac{A_2 - П_{дз}}{П_2 - Д_{зк}}$$

Бу ерда:

A_2 – айланма активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзлари ва ҳоказолар);

$П_2$ – мажбуриятлар (қисқа муддатли қарзлар, қисқа муддатли кредитлар, бюджет олдидаги қарзлар, кредиторлик қарзлари ва ҳоказо);

$П_{дз}$ – муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари;

$Д_{зк}$ – узоқ муддатли қарз ва кредитлар.

Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти (K_{cc}) уларнинг шаклланиш манбаларини инобатга олган ҳолда, пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини аниқлайди. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{cc} = \frac{П_1}{П_2 - Д_{зк}}$$

Бу ерда:

$П_1$ – хусусий маблағлар манбалари (Низом жамғармаси, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва ҳоказо).

Молиявий мустақиллик коэффиценти ($K_{фн}$) корхона молиявий мустақиллигининг камайиши (кўпайиши), келажакда молиявий қийинчиликларга учраш хавфининг кучайиши (пасайиши) ҳақида маълумот беради ҳамда корхона ўз мажбуриятлари олдида жавоб беришининг кафолатларини белгилаб беради. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{фн} = \frac{П_1}{ИБ}$$

Бу ерда:

ИБ - корхона баланси активи ёки пассивининг якуни.

Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти (K_{oc}) корхонанинг барқарор ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган айланма воситалар мавжудлигини тавсифлайди. Шунингдек у, корхона эгалари ва кредиторлар манфаатларидаги муносабатларни ҳам акс эттиради. Мазкур коэффицент қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{oc} = \frac{П_1 - A_1}{A_2}$$

Бу ерда:

A_1 – узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, капитал қўйилмалар, номоддий активлар ва ҳоказо).

Кўрсаткичлар тизимини тайёрлаган муаллифлар томонидан корхонанинг тўловга қобилиятлиги ёки ночорлигини аниқловчи параметрлар белгилаб берилган. Масалан, тўлов қобилияти коэффиценти ҳамда хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти 2 дан кичик бўлса ($K_{пл} < 2$; $K_{сс} < 2$), молиявий мустақиллик коэффиценти 0,5 дан кичик бўлса ($K_{фн} < 0,5$), хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти 0,1 дан кичик бўлса ($K_{ос} < 0,1$) корхоналар ночор деб топилади. Корхона ночорлиги, демак, хўжалик фаолиятининг самарасизлиги тўғрисидаги якуний қарор, ночорлик параметрларининг умумий суммаси 4,6 дан кичик бўлган ҳолда қабул қилинади.

Хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш жуда ҳам мураккаб жараён бўлиб, бунинг ҳамма учун тўғри келувчи ягона йўли мавжуд эмас. Ҳар бир корхона бу масалани ечишда ўз имкониятлари ва юзага келган иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилади. Бироқ барча ҳолларда ҳам самарадорликнинг асосида **фойдани максималлаштириши** ёки **харажатларни минималлаштириши** ётади.

Шартли мисол келтириб ўтамиз. Айтайлик, корхонанинг 10 млн сўм миқдорида маблағи бўлиб, бу маблағларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлаш мўлжалланган. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, корхона 10 млн сўм сарф қилганда қўшимча 11 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради, яъни фойда 1 млн сўмни ёки қўшилган капиталнинг 10 % қисмини ташкил қилади.

Агарда корхона ушба маблағни банкка йилига 12 %ли депозит ҳисобига қўйганида, фоизлар учун 1,2 млн сўм фойда олган бўлар эди. Демак, муқобил харажатларни ҳисоблаганда корхона 0,2 млн сўм миқдоридаги қўлдан чиқариб юборилган фойдани ҳам ҳисобга олиши лозим. Бироқ ишга бундай ёндашишнинг, бугунги бозор муносабатлари шароитларида кенг тарқалган бундай усулида, яъни энг кўп фойдага эга бўлиш тамойили асосидаги усулда, корхона фойдани максимал даражага чиқарсада, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эриша олмайди. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш эса, барчага маълум бўлганидек, иқтисодиётнинг ривожланиши учун энг муҳим талаблардан бири ҳисобланади.

2-Боб. “Норин тола” ОТАЖида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий таҳлили

2.1. “Норин тола” ОТАЖининг умумий иқтисодий тавсифи

“Норин тола” ОТАЖи тумандаги етакчи саноат корхоналаридан бўлиб, асосан янги терилган пахтани дастлабки ишлов беришга ихтисослаштирилган.

Корхонанинг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикасида ва хорижий истеъмолчиларни ишлаб чиқарилаётган пахта толасига бўлган эҳтиёжини қондириш, фойда олиш, ҳамда акциядорлар ва жамият меҳнат жамоасининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъмин этишдан иборатдир.

“Норин тола” ОТАЖи уставига кўра ўз мақсадларига эришиш учун қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланади:

- пахтани қабул қилиш, қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш;
- уруғлик чигит тайёрлаш ва сотиш;
- халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш;
- бичув-тикув цехларини очиш, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш;
- чорвачилик билан шуғулланиш, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш;
- қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- кичик ҳамда кўшма корхоналар тармоқларини, тижорат марказларини, улгуржи ва чакана савдо дўконларини очиш;

- ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри ўзаро фойдали хўжалик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантиришга доир ишлаб чиқариш, ҳамда тижорат-воситачилик алоқаларини амалга ошириш. Ишлаб чиқарувчилардан уларнинг қайси идорага бўйсунуши ва мулкчилик шакллари билан қатъий назар моддий ресурслар ва товарларни эркин сотиб олишни ҳамда уларни харидорларга сотишни ташкил этиш.

- хом-ашё тайёрлаш, маҳсулотлар ва товарларни ишлаб чиқрувчи корхоналар, савдо воситачилари, ҳамда хорижий фирмалар билан контрактлар тузиш йўли билан товарлар ва ресурсларни харид қилиш;

- ижтимоий ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадларга қурилаётган ва қайта қурилаётган савдо корхоналарини асбоб-ускуналар ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш;

- иккиламчи ресурсларни тайёрлаш ва қайта ишлашни ишлаб чиқариш ҳамда саноат чиқиндиларини ишга солишни, ўраш-жойлаш маҳсулотларини тайёрлаш ва сотишни ташкил этиш;

- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни ва вилоят ҳудудидан ташқари харид қилган маҳсулотларни сўмга ва валютага сотиш учун турли ҳилдаги савдо дўконлари ва умумий овқатланиш корхоналарини очиш.

“Норин тола” ОТАЖини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” Қонуннинг 63-моддасига биноан акциядорлик жамиятини акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи бошқаради. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан ички назоратни тафтиш комиссияси ва аудитор амалга оширадilar.

Акциядорлик жамиятида бошқарув ва назорат вазифалари амалга оширилиши учун қуйидаги органлар тузилган:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- кузатув кенгаши;
- ижроия органи;
- тафтиш комиссияси;
- аудитор;
- саноқ комиссияси;
- тугатиш комиссияси.

Умумий йиғилиши жамиятни бошқаришнинг олий органи ҳисобланади.

Акциядорлар умумий йиғилиши одатда бир йилда бир марта умумий ҳисобот йиғилиши сифатида чақирилади. Умумий йиғилишлар оралиғида акциядорлар номидан жамиятнинг кузатув кенгаши иш олиб боради. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалаларни ҳал этишни мустасно қилганда кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади.

Кузатув кенгаши аъзолари акциядорлар умумий йиғилишида Қонунда белгиланган тартибда сайланади, улар чекланмаган марта сайланишлари ва қайта сайланишлари мумкин. Кузатув кенгашининг миқдор таркиби акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини уюштиради, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда ҳамда, жамият уставида ўзгача қоида белгиланмаган бўлса, акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади.

Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарликни ижроия органи амалга оширади. Директор акциядорлик жамияти номидан ишончномасиз иш юритади, битимлар тузади, штатларни тасдиқлайди, жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

Назоратни амалга ошириш учун акциядорлар умумий йиғилиши томонидан жамият уставига мувофиқ тафтиш комиссияси - жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилувчи ички назорат органи сайланади. Тафтиш комиссияси умумий йиғилиш тасдиқлаган Низом асосида иш олиб боради.

Жамият тугатиладиган бўлса тугатиш жараёнига раҳбарлик қилиш учун тугатиш комиссияси тузилади. Акциядорлик жамияти ихтиёрий равишда тугатилаётган бўлса кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилишига жамиятни тугатиш ва тугатиш комиссиясини тузиш ҳақидаги масалани тақдим этади. Акциядорлик жамияти суд қарорига биноан тугатилишида тугатиш комиссияси қонунчиликда белгиланган тартибда тайинланади.

“Норин тола” ОТАЖининг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топган. Жамиятнинг устав капитали 723615039 сўмни ташкил қилади. У ҳар бирининг номинал қиймати 2061 сўм бўлган 351099 дона оддий акцияларга бўлинган.

Устав фонди тақсимоти қуйидагича:

- “Наманганпахтасаноат худудий бирлашмаси” акциядорлик жамияти улуши 51 фоиздан иборат 369044721 сўмлик 179061 дона акция;

- бошқа юридик ва жисмоний шахслар улуши 49 фоиздан иборат 354570318 сўмлик 172038 дона акциядан иборат.

“Норин тола” ОТАЖининг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлилини 1-жадвалдан кўришимиз мумкин. Жадвалдан кўришиб турибдики, корхонада ишлаб чиқарилган тола миқдори 2012 йилда 4787 тоннани, 2013 йилда 4705 тоннани ва 2014 йилда 4644 тоннани ташкил қилган. Заводга берилган хом-ашё миқдорини ўтган йилга нисбатан камайиб кетганлиги ҳисобига тола ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўтган йилга нисбатан 61 тоннага камайган ёки ўтган йилги кўрсаткичнинг 98,7%га тўғри келган..

Завод қайта ишлаши лозим бўлган пахта хом-ашёси миқдорини ўзи белгилай олмайди. Заводга асосан пахта хом-ашёсини туманда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари етказиб берадилар. Хом ашё миқдори асосан табиий омилларга боғлиқ равишда турли йилларда турлича бўлади. Заводда қайта ишланган пахта хом-ашёси миқдори 2012 йилда 14334 тоннани, 2013 йилда 14141 тоннани ва 2014 йилда 13450 тоннани ташкил этган. Пахта хом-ашёсини қайта ишлаш миқдори жорий 2013 йилда ўтган йилга нисбатан 691 тоннага камайган.

Корхонада жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қиймати солиштирма нархларда 2012 йилда 14846264 минг сўмни, 2013 йилда 16755462 минг сўмни ва 2014 йилда 19364977 минг сўмни ташкил этган. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий қиймати 2014 йилда ўтган йилга нисбатан 2609515 минг сўмга ёки 115,6% га кўпайган. Бу кўрсаткич корхонада ишлаб

чиқариш хажмининг кўпайганлиги ҳисобига эмас, балки корхона маҳсулотларининг харид нархини ўтган йилга нисбатан ошганлиги ҳисобига ортган.

Толадан ташқари чигит, пахта момиғи ва улюк заводнинг иккиламчи маҳсулоти ҳисобланади. 2014 йил давомида 8070 тонна чигит, 40 тонна улюк ва 188 тонна пахта момиғи ишлаб чиқарилган барчаси бўйича ўтган йилга нисбатан камайиш кузатилган.

Ҳом ашёни дастлабки қайта ишлаш жараёнида тозалаш цехларида катта миқдорда чиқиндилар ажратиб олинади. Уларнинг умумий миқдори заводда қайта ишланган хом-ашё миқдорига боғлиқ бўлади. Тозалаш цехларида пахта хом-ашёси таркибидан 2012 йилда 1003 тонна, 2013 йилда 990 тонна ва 2014 йилда 942 тонна чиқиндилар ажратиб олинган.

Заводнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижалари кўп жиҳатдан хом-ашёдан толанинг чиқиш миқдорига боғлиқ. Бу кўрсаткич 2012 йилда 33,3 фоизга, 2013 йилда 33,2 фоизга ва 2014 йилда 34,5 фоизга тўғри келган.

Корхонанинг дебиторлик қарзларининг умумий миқдори 2012 йилда 255629 минг сўмни ташкил этган. Бу миқдор йилдан йилга ортиб борган ва 2012 йилда 39039 минг сўмга ва 2014 йилда 122067 минг сўмга тўғри келган. Бу кўрсаткич бўйича жорий йилда ўтган йилга нисбатан фарқ 83028 минг сўмни ёки 312,6 % ни ташкил этган.

Кредиторлик қарзлари умумий миқдорида ҳам йилдан йилга ўсиш кузатилган. 2012 йилда унинг миқдори 1051466 минг сўмни, 2013 йилда 1519327 минг сўмни ва 2014 йилда йилда 996120 минг сўмни ташкил этган. Кредиторлик қарзлари миқдори 2014 йилда ўтган йилга нисбатан 523207 минг сўмга камайган.

Корхонада соф фойда миқдори 2014 йилда 115019 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилга нисбатан 30217 минг сўмга ёки 135,6%га кўпайган.

Завод ва унга қарашли пахта қабул қилиш пунктларида 2014 йилда 372 киши ишлаган. Шундан 121 кишиси саноат ходимларига, 33 кишиси идора ходимларига ва 218 кишиси пахта қабул қилиш пункти ходимларига тўғри келган.

Тола ажратиб олингандан сўнг прессланади ва той шаклига келтирилади. Бу жараёнда тойни ўраш учун ўров материаллари ва сим-лента ишлатилади. 2014 йилда 29 тонна сим-лента сарфланган бўлиб бу ўтган йилга нисбатан бир тоннага кам демакдир. Ўров материаллари сарфи эса 2014 йилда 14065 комплектни ташкил қилган ва ўтган йилга нисбатан 5 комплектга камайган. Албатта бу ҳолатни ишлаб чиқарилган тола хажмини ўтган йилга нисбатан ўзгарганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Заводнинг барча технологик ускуналари ва станоклари электр-энергияси ҳисобига ҳаракатга келтирилади ва бу заводда катта миқдорда электр энергиясининг сарфланишига олиб келади. Корхонада 2012 йилда 1840 минг квт., 2013 йилда 1692 минг квт. ва 2014 йилда 1683 минг квт. электр энергияси сарфланган. Электр-энергияси сарфининг умумий хажми 2014 йилда ўтган йилга нисбатан 9 минг квт.га камайган.

2.2. “Норин тола” ОТАЖида хом-ашё ва ишлаб чиқариш захираларидан фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили

“Норин тола” ОТАЖида ишлаб чиқариш захираларининг ишлаб чиқариш жараёнида бажарадиган ролига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади: чигитли пахта хом-ашёси ва ўров-боғлов материаллари; ёрдамчи материаллар, сотиб олинган ярим фабрикатлар, чиқиндилар (қайтарилган), ёқилғи, тара ва тара материаллари, эхтиёт қисмлари, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар.

Хом-ашё ва асосий материаллар ишлаб чиқарилаётган толанинг моддий асосини ташкил қилувчи меҳнат предметларидир. Корхонада хом-ашё ва материаллар салмоғи тола таннархининг қарийб 94% ини ташкил этади. Заводда хом-ашё харажатларига икки омил таъсир кўрсатади, яъни пахта хом ашёсининг ҳарид баҳосининг ўзгариши ва хом ашёни сақлаш ва қайта ишлаш жараёнидаги йўқотишлар. Заводда хом-ашёнинг харажат нормаси ҳеч қачон ўзгармайди. Заводнинг асосий хом-ашёси чигитли пахта ҳисобланади.

Ёрдамчи материаллар хом-ашё ва асосий материалларга кўшимча равишда фойдаланилади ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга маълум даражада истеъмол хусусиятларини беради, шунингдек, меҳнат воситаларини таъмирлашда ва ишлаб чиқариш жараёнини енгиллаштириш учун фойдаланилади.

Шуни эътиборга олиш зарурки, материалларни асосий ва ёрдамчи материалларга бўлиш шартли характерга эга бўлиб бир тармоқда асосий ҳисобланган материаллар бошқа тармоқлар учун ёрдамчи материал бўлиши мумкин.

Сотиб олинган ярим фабрикатлар- қайта ишлашнинг маълум босқичини ўтган, лекин тайёр маҳсулот ҳолатига етмаган хом-ашё ва материаллардир. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида улар ҳам асосий материаллар ролини бажаради ва уларнинг моддий асосини ташкил қилади.

Ишлаб чиқаришдан қайтарилган чиқиндиларга асосан заводнинг иккиламчи маҳсулоти, яъни чигит, улюк ва линт киради.

Заводда ишлатиладиган ёқилғиларни асосан уч турга бўлиш мумкин,- технологик ёқилғилар, двигатель ва хўжалик ёқилғилари. Технологик ёқилғилар технологик мақсадлар учун фойдаланилади. Двигатель ёқилғилари эса двигательни юргизиш учун ишлатилади. Хўжалик ёқилғилари иситиш учун фойдаланилади.

Тара ва тара материаллари (коробкалар, коплар ва бошқалар) тайёр маҳсулотлар, ярим фабрикатлар, материаллар ва бошқа нарсаларни кадоклаш, транспортировка қилиш ва сақлаш учун фойдаланилади.

Эхтиёт қисмлар- машина, асбоб-ускуна ва бошқа меҳнат воситаларини таъмирлаш учун ишлатилади.

“Норин тола” ОТАЖи катта ишлаб чиқариш захиралари мавжуд бўлган корхоналар қаторига киради. Чунки корхонанинг ишлаб чиқариш захираси асосан пахта хом-ашёсидан ташкил топган бўлиб, пахта хом-ашёси асосан сентябрь ва октябрь ойларида пахта қабул қилиш пунктларига йиғилиб, йил давомида сақланади ва қайта ишланади.

“Норин тола” ОТАЖида ишлаб чиқариш хом-ашёсидан фойдаланиш кўрсаткичлари тахлилини 2-жадвалдан кўришимиз мумкин. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики корхонада қайта ишланган пахта хом-ашёси миқдори 2012 йилда 14334 тоннани ташкил этган. Бу миқдор 2013 йилда 14141 тоннани ва 2014 йилда 13450 тоннани ташкил этгани холда жорий йилда ўтган йилга нисбатан камайиш кузатилган.

Қайта ишланган пахта хом-ашёсининг асосий қисми 1-сортларга тўғри келган. 1-сорт пахта хом-ашёсининг умумий миқдори 2014 йилда 6980 тоннани ташкил этган ва пахта хом-ашёси қабул қилишнинг умумий миқдори камайганлиги ҳисобига ўтган йилга нисбатан камайган. Қайта ишланган пахта хом-ашёсининг энг оз қисми учинчи, тўртинчи ва бешинчи сортларга тўғри келган. 5-сорт хом-ашёнинг умумий миқдори 2014 йилда 1510 тоннани ташкил этган. Бу ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 101,9% га кўп демакдир.

2014 йилда “Норин тола” ОТАЖида ишлаб чиқаришга берилган пахта хом-ашёси ва тола маҳсулотлари кўрсаткичлари тахлилини 3-жадвалдан кўришимиз мумкин.

Жадвалдан кўриниб турибдики, ишлаб чиқаришга берилган пахта хом-ашёси 5та сортга ажратилгани каби ишлаб чиқарилган тола ҳам 5 та сортга ажратилади. Корхонада 2014 йилда 3649 тонна 1-сорт тола тола ишлаб чиқарилган. Б маҳсулотни ишлаб чиқариш учун 8530 тонна 1-сорт, 935 тонна 2-сорт, 757 тонна 3-сорт, жами 10222 тонна чигитли пахта хом-ашёси қайта ишланган. Жорий йилда 358 тонна 2-сорт тола ишлаб чиқарилган бўлиб, уни ишлаб чиқариш учун 1049 тонна чигитли пахта хом ашёси қайта ишланган. 2-сорт толани олиш учун қайта ишланган хом-ашёнинг аксарият қисми, яъни 680 тоннаси биринчи сортга тўғри келган. Ишлаб чиқарилган 3-сорт толанинг умумий миқдори жорий йилда 265 тоннани ташкил этган. Буни ишлаб чиқариш учун корхонада 834 тонна хом-ашё қайта ишланган бўлиб, толанинг сортига мос равишда уларнинг асосий қисми, яъни 630 тоннаси 3-сортга тўғри келган. Корхонада 2014 йилда 70 тонна 4-сорт ва 307 тонна 5-сорт тола ишлаб чиқарилган бўлиб, уларни олиш учун қайта ишланган хом-ашёларнинг деярли барчаси 4-ва5-сортларга тўғри келмоқда. Умуман

олганда корхонада жами ишлаб чиқарилган тола миқдори 4649 тоннани ташкил этган ва уни ишлаб чиқариш учун 13450 тонна чигитли пахта хом-ашёси қайта ишланган.

Жадвалдан шундай хулосага келиш мумкинки, корхонада фақатгина сифатли хом-ашёдан сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин. Ёмон пахта хом-ашёсидан сифатли тола олиб бўлмайди. Сифатиз, яъни паст сортлардаги пахта хом-ашёсини қайта ишлаш ортиқча ҳаражатлар талаб қилади. Чунки паст сортлардаги пахта хом ашёсининг намлиги ва ифлослик даражаси юқори бўлади. Уни конденцион намликка келтириш ва тозалаш учун 1- ва 2-сортларга қараганда кўпроқ меҳнат сарф қилинади. Яна бир салбий томони ёмон хом-ашё тола ажратиш машиналаридаги 48 соат, яъни икки кун ишлашга мўлжалланган арраларнинг ҳизмат муддатини қисқартиради. Бу ҳам ўз-ўзидан ортиқча ҳаражатларга олиб келади.

2.3. “Норин тола” ОТАЖида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлили

Айланма маблағлар айланишини тезлаштириш нафақат корхона учун, балки бутун халқ хўжалиги учун ҳам катта аҳамият касб этади. У ресурсларнинг нисбий озод қилиниши, ижтимоий ҳаражатларнинг камайтирилишига кўмаклашади ва иқтисодий режалаштириш суръатини оширади.

“Норин тола” ОТАЖи айланма маблағларидан самарали фойдаланиш учта асосий кўрсаткични тавсифлайди:

- 1) айланиш коэффиценти;
- 2) айланма маблағларнинг юкланиш коэффиценти;
- 3) айланма воситаларнинг бир марта айланиши давомийлиги.

Айланиш коэффиценти корхона айланма маблағларининг маълум бир вақт (йил, чорак) давомида амалга оширувчи айланишини тавсифлайди ёки айланма маблағларнинг ҳар 1 сўмига тўғри келувчи сотилган маҳсулотларни кўрсатади. У қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топилади:

$$K_a = P_m : C_a$$

Бу ерда:

P_m – сотилган маҳсулот ҳажми, пул ўлчовида;

C_a – айланма маблағларнинг ўртача қолдиқ ҳажми, пул ўлчовида (айланма маблағлар нормативи).

Айланма маблағларни юкланиш коэффиценти айланиш коэффицентига тескари бўлган қийматдир. У сотилган ҳар 1 сўм маҳсулотга сарфланган айланма маблағларни тавсифлайди ҳамда қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топилади:

$$K_{ю} = C_a : P_m$$

Бир марта айланиш давомийлиги кунларда ўлчанади ҳамда шу даврдаги кунлар сонини айланиш коэффицентига нисбати орқали қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$T = D : K_a$$

Бу ерда:

D - шу даврдаги кунлар сони (360, 90).

Айланма маблағларнинг тўлиқ айланиш муддати қанчалик кичик ёки бу айланишлар сони қанчалик кўп бўлса, айланма маблағлар шунчалик кам талаб қилинади ва аксинча, айланма маблағлар қанчалик тез айланишда бўлса, шунчалик самарали ишлатилади.

“Норин тола” ОТАЖида айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлилинини 4-жадвалдан кўришимиз мумкин. Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, корхонада сотилган маҳсулотлар ҳажми 2012 йилда 14846264 минг сўми, 2013 йилда 16755462 минг сўми ва 2014 йилда 19364977 минг сўми ташкил этган. Бу кўрсаткич бўйича 2014 йилда ўтган йилга нисбатан 115,6% га ўсишга эришилган. Бунга мос равишда айланма маблағларнинг йиллик ўртача қиймати ҳам ўзгариб борган. Айланма маблағларнинг

миқдори 2012 йилда 23766546 минг сўмни, 2013 йилда 25481776 минг сўмни ва 2014 йилда 23325725 минг сўмни ташкил қилган.

Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони 2014 йилда 121 кишини ташкил этиб ўтган йилга нисбатан бир кишига камайган. Йил давомидаги иш кунлари эса 2014 йилда ўтган йилга нисбатан 13 кунга камайган ва 285 кунга тўғри келган.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб бир ишчига тўғри келувчи айланма маблағлар миқдорини ҳисоблаганимизда унинг миқдори 2012 йилда 190132,4 минг сўмни, 2013 йилда 208867 минг сўмни ва 2014 йилда 192775 минг сўмни ташкил этган. Бир ишчига тўғри келувчи айланма маблағлар миқдори 2014 йилда ўтган йилга нисбатан камайган.

Айланма маблағларнинг айланиш коэффиенти эса йилдан йилга кўпайиб борган. Бу кўрсаткич 2014 йилда 0,83 бирликка тенг бўлган ва ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 125,8% га ортган. Бу айланма маблағлар қийматини сотилган маҳсулотлар қийматига нисбатан тез ўсганлигини билдиради.

Айланма маблағларни юкланиш коэффиенти оҳирги уч йилда камайиб бориш хусусиятига эга бўлган. Бу кўрсаткич 2012 йилда 1,5 бирликка 2013 йилда 1,52 бирликка, 2014 йилда 1,2 бирликка тенг бўлган ва 2014 йилда ўтган йилга нисбатан 76,1% ни ташкил этган.

Айланма маблағларнинг айланиш давомийлиги ҳам йилдан йилга камайиб борган. Бу кўрсаткич 2014 йилда 343,4 бирликни ташкил этган ва ўтган йилги кўрсаткичнинг 76,1%ига тўғри келган.

“Норин тола” ОТАЖида айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларига турли омиллар таъсир кўрсатади. Бу омиллардан энг муҳими айланма фондлардан фойдаланиш даражасидир. Чунки корхона айланма маблағларининг асосий таркибий қисми бўлган айланма фондлар корхона ишлаб чиқариш фондларининг қарийб 93%ини ташкил қилади. Қолган 7%ини асосий ишлаб чиқариш фондлари ташкил қилади. Шундай экан корхонада ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун аввало айланма маблағлардан фойдаланишни яхшилаш керак бўлади.

Ишлаб чиқаришни қайта бошлаш узлуксизлигини таъминлаш учун корхона тасарруфида бор бўлган ресурслар бир маромда бир шаклдан иккинчисига (пулдан - ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришдан товар ва ниҳоят товардан-пул шаклига) ўтиши ва нормадан ортиқча тежаб қолмаслиги керак. Акс холда маблағларнинг айланувчанлиги секинлашади ва ишлаб чиқариш жараёни бузилади.

“Норин тола” ОТАЖи айланма маблағларини ишлаб чиқаришда иштирок этиш характери ва унга таъсир этиш даражаси; ҳосил бўлиш манбалари бўйича таснифлаш мумкин.

Ишлаб чиқаришда *иштирок этиш характери*га кўра корхона айланма маблағларини икки гуруҳга; ишлаб чиқариш соҳасига хизмат кўрсатувчи ва муомала соҳасидаги маблағлар гуруҳларига ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга моддий ресурслардан таркиб топган айланма фондлар, яъни чигитли пахта хом-ашёси, ўров-боғлов материаллари, ёқилғи-мойлаш материаллари ва турли эҳтиёт қисмлар қиради. Иккинчисига товар ва пул шаклида, шунингдек тугалланмаган Ҳисобкитоблар шаклида бўлган момала фондлари киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Вазирликлар, идоралар ва корхоналарнинг норматив айланма маблағлари тўғрисида" 1997 йил 25 февралдаги 108-сон қарорига кўра корхоналарнинг молиявий аҳолини мустаҳкамлаш, моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, айланма маблағларнинг айланувчанлигини тезлаштириш мақсадида фаолият турларини ҳисобга олиб айланма маблағларнинг табақаланган нормативлари тасдиқланган.

Корхоналар молиявий ҳисоботини ўрганиш маълумотларининг кўрсатишича, республика корхоналарида айланма маблағлардан ёмон фойдаланилмоқда. Катта дебиторлик қарзлари, айланма маблағлар айланувчанлигининг сустиги ишлаб чиқаришга қўшимча маблағлар жалб қилинишини талаб қилади.

Буни назарда тутиб, Республика Президенти И.А.Каримов 1997 йил 9 июлда “Айланма маблағларнинг сақланиши ва уларни ўз вақтида тўлдирилиб бориши учун маъсулиятни оширишга доир чора - тадбирлар тўғрисида” фармон чиқарди.

Фармонда республикадаги айрим вазирликлар, идоралар ва корхоналардаги молиявий ахволнинг қониқарсиз эканлиги, ўз айланма маблағлари сақланишига маъсулиятсизлик билан ёндашиш, дебиторлик қарзларида анчагина маблағлар тўпланганлиги, тайёр маҳсулотнинг нормативдан ортиқча қолдиқлари ҳаракатсиз ётганлиги ҳолатлари далиллар билан таъкидланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 февралдаги 108 - сон қарорида айланма маблағлар нормативлари идоралар турига кўра 1 сўм ҳаражатга кун ва тийинларда белгиланган.

Айланма маблағлар билан таъминланганликни аниқлаш учун маълумотлар молиявий ҳисоботдан, баланс активи 2-бўлиmidан олинади.

“Норин тола” ОТАЖи бўйича айланма маблағлар нормативи юқори турган ташкилот томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 февралдаги 108-сон қарори асосида белгиланади.

“Норин тола” ОТАЖида айланма маблағлардан фойдаланиш даражаси таҳлилини 5-жадвалдан кўришимиз мумкин.

Жадвалдан кўришиб турибдики айланма маблағларининг қарийб ярмини ишлаб чиқариш захиралари ташкил қилади. “Норин тола” ОТАЖи катта ишлаб чиқариш захиралари мавжуд бўлган корхоналар қаторига киради. Чунки корхонанинг ишлаб чиқариш захираси асосан пахта хом-ашёсидан ташкил топган бўлиб, пахта хом-ашёси асосан сентябрь ва октябрь ойларида пахта қабул қилиш пунктларига йиғилиб, йил давомида сақланади ва қайта ишланади. Заводда ишлаб чиқариш захираларининг умумий миқдори 2014 йилда 18339484 минг сўмни ташкил қилган ва ўтган йилга нисбатан 2066788 минг сўмга камайган. Тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича охириги уч йилда кўрсаткичлар қайд этилмади. Корхона айланма маблағлари таркибида тайёр маҳсулот ҳажми 2012 йилда 8573800 минг сўмни, 2013 йилда 2659039 минг сўмни ва 2014 йилда 1994787 минг сўмни ташкил этган ҳамда ўтган йилга нисбатан 664252 минг сўмга камайган.

Корхонада айланма маблағлардан фойдаланишдаги энг салбий ҳолат дебитор қарзларининг кўпайиб бораётганидир. Дебитор қарзларнинг умумий миқдори 2012 йилда 1915637 минг сўмни, 2013 йилда 1526432 минг сўмни ва 2014 йилда 2273156 минг сўмни ташкил қилган.

Корхонанинг ишлаб чиқариш омилларида фойдаланиш самарадорлигини оширишда асосий ишлаб чиқариш фондларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳажми ва улардан фойдаланиш даражаси корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати катталигини белгилайди. У ишлаб чиқариш дастурини асослашда катта роль ўйнайди ҳамда корхонанинг белгиланган номенклатура ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича потенциал имкониятларини тавсифлайди.

“Норин тола” ОАЖда асосий фондлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилини 6-жадвалдан кўришимиз мумкин. Жадвалдан кўришиб турибдики, корхонада асосий фондларнинг бошланғич қиймати йилдан йилга кўтарилиб борган ва 2012 йилда 6783368 минг сўмни, 2013 йилда 8015264 минг сўмни ва 2014 йилда 7297217 минг сўмни ташкил этган. Жорий йилда асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ўтган йилга нисбатан камайган. Бунга асосий сабаб корхонага янги асосий воситаларни олиб келинмаганлиги ва эскиларини ҳисобдан чиқарилганлиги бўлган. Шунга мувофиқ равишда асосий фондларнинг эскириш суммаси ҳам йилдан-йилга кўпайиб, 2012 йилда 2226242 минг сўмни, 2013 йилда 307814 минг сўмни ва 2014 йилда 3593795 минг сўмни ташкил этган. 2014 йилнинг охирига асосий фондларнинг қолдиқ қиймати 3593795 минг сўмни ташкил этган. Бу миқдор ҳам ўтган йилга нисбатан камайган ва ўтган йилги кўрсаткичнинг 75%ини ташкил этган. Корхонада мавжуд асосий воситалар ёрдамида 2014 йилда 19364077 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми жорий йилда ўтган йилга нисбатан кўпайган.

Жадвалдаги кўрсаткичларга кўра “Норин тола” ОАЖининг меҳнатни фонд билан қурлланганлик даражасини ҳисоблаганимизда, бу кўрсаткич бир киши ҳисобига 2012 йилда 54266,9 минг сўмни, 2013 йилда 65698,9 минг сўмни ва 2014 йилда 60307,5 минг сўмни ташкил этганини кўрамаймиз. Демак меҳнатни фонд билан таъминланганлик даражаси 2014 йилда ўтган йилга нисбатан камайган.

Асосий фондларнинг эскириш даражаси асосий фондлардан йил давомида қай даражада фойдаланилганлигини, яъни уларнинг қанча қисми амортизациялаштирилганлигини ифодалайди. Корхонада асосий фондларнинг эскириш даражаси 2012 йилда 32,8% ни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб 38,4 %ни ва 2014 йилда эса 49,2%ни ташкил этган. Демак 2014 йилда асосий фондларнинг 49,2%и амортизациялаштирилган. Бу корхонада асосий воситаларнинг ҳолатини талаб даражасида эмаслигини англатади. Эскириш даражасига мувофиқ асосий фондларнинг ишга яроқлилик даражаси 2014 йилда 50,8 %ни ташкил этган ва жорий йилда ўтган йилги кўрсаткичнинг 82,5%ини ташкил этган.

Фонд қайтими бир сўмлик асосий фонд ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини ифодалайди. Бу кўрсаткич корхонада 2013 йилда 2,09 бирликка тенг бўлган бўлса, 2014 йилда кўпайган ва 2,65 бирликни ташкил этган. Фонд сифими эса фонд қайтимига тескари кўрсаткич ҳисобланади. Бу кўрсаткич 2013 йилда 0,48 бирликка тенг бўлган бўлса, 2014 йилга келиб 0,38 бирликка тушиб қолган. Бу албатта ижобий натижа ҳисобланади. Чунки корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан асосий фондларнинг миқдори камаймоқда.

“Норин тола” ОТАЖи хўжалик фаолияти иқтисодий кўрсткичлари таҳлили

1-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил	2014 йил	Ўтган йилга нисбатан фарқ	
						Микдорда	% да
1	Ишлаб чиқарилган тола	Тн	4787	4705	4644	-61	98,7
2	Қайта ишланган пахта хом-ашёси	Тн	14334	14141	13450	-691	95,1
3	Маҳсулот ишлаб чиқариш. Солиштирма нархларда	М.сўм	14846264	16755462	19364977	+2609515	115,6
4	Чигит	Тн	8600	8481	8070	-411	95,2
5	Пахта момиғи	Тн	201	198	188	-10	94,9
6	Улюк	Тн	43	42	40	-2	95,2
7	Ишлаб чиқариш чиқиндилари	Тн	1003	990	942	-48	95,1
8	Хом-ашёдан тола чиқиши	%	33,3	33,2	34,5	+1,3	103,9
9	Дебиторлик қарзлари	М.сўм	255629	39039	122067	+83028	312,6
10	Кредиторлик қарзлари	М.сўм	1051466	1519327	996120	-523207	65,6
11	Соф фойда	М.сўм	52146	84802	115019	+30217	135,6
12	Заводда ишловчилар:	Киши	380	375	372	-3	99,2
	-саноат ходимлари	Киши	125	122	121	-1	99,2
	-идора ходимлари	Киши	34	34	33	-1	97,1
	-пахта пунктлари ходимлари	Киши	221	219	218	-1	99,5
13	Сим-лента сарфи	Тн	31	30	29	-1	96,7
14	Ўров материаллари сарфи	Комп.	14099	14070	14065	-5	99,9
15	Электр-энергияси сарфи	Минг квт.	1840	1692	1683	-9	99,5
16	Ишлаб чиқариш қувватлиридан фойдаланиш	%	71,6	70,7	67,3	-3,4	95,2

Жадвал муаллиф томонидан корхона маълумотлари асосида тузилган

“Норин тола” ОТАЖида ишлаб чиқариш хом-ашёсидан фойдаланиш кўрсаткичлари тахлили

2-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 йилда ўтган йилга нисбатан ўзгариши (%да)
1	Қайта ишланган пахта хом-ашёси	Тн	14334	14141	13450	95,1
	Шу жумладан:					
2	1-сорт	Тн	7482	7381	6980	94,6
3	2-сорт	Тн	1892	1867	1820	81,6
4	3-сорт	Тн	1777	1753	1430	103,3
5	4-сорт	Тн	1677	1654	1710	103,4
6	5-сорт	Тн	1506	1486	1510	101,9

Жадвал муаллиф томонидан корхона маълумотлари асосида тузилган

2014 йилда “Норин толас” ОТАЖида ишлаб чиқаришга берилган пахта хом-ашёси ва тола махсулотлари кўрсаткичлари тахлили

№	Ишлаб чиқарилган тола	Ишлаб чиқаришга берилган пахта хом-ашёси					Жами
		1-сорт	2-сорт	3-сорт	4-сорт	5-сорт	
1	3649 тонна 1-сорт тола	8530	935	757	-	-	10222
2	358 тонна 2-сорт тола	680	170	120	79	-	1049
3	265 тонна 3-сорт тола	65	-	630	92	47	834
4	70 тонна 4-сорт тола	-	23	-	170	49	242
5	307 тонна 5-сорт тола	-	-	-	921	182	1103
	Жами ишлаб чиқарилган 4649 тонна тола	9275	1128	1507	1262	278	13450

Жадвал муаллиф томонидан корхона маълумотлари асосида тузилган

**“Норин тола” ОТАЖида айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги
кўрсаткичлари таҳлили**

4-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2013 йилни 2014 йилга нисбати фоиз
1	Сотилган маҳсулотлар ҳажми	М.сўм	14846264	16755462	19364977	115,6
2	Айланма маблағларнинг йиллик ўртача қиймати	М.сўм	23766546	25481776	23325725	91,5
3	Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони	Киши	125	122	121	99,2
4	Йил давомидаги иш кунлари	Кун	290	298	285	95,6
5	Бир ишчига тўғри келувчи айланма маблағлар микдори(2к:3к)	М.сўм	190132,4	208867	192775	92,3
6	Айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти(1к:2к)	Коэф.	0,62	0,66	0,83	125,8
7	Айланма маблағларни юкланиш коэффициенти(2к:1к)	Коэф.	1,6	1,52	1,20	78,9
8	Айланма маблағларнинг айланиш давомийлиги(4к:6к)	Коэф.	467,7	451,5	343,4	76,1

Жадвал муаллиф томонидан корхона маълумотлари асосида тузилган

“Норин тола” ОТАЖида айланма маблағларнинг таркиби

5-жадвал

№	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	Ўтган йилга нисбатан фарқ	
					Миқдорда	% да
1.	Ишлаб чиқариш захиралари	14537335	20406272	18339484	-2066788	89,9
2.	Тугалланмаган ишлаб чиқариш	-	-	-	-	-
3.	Тайёр маҳсулот	8573800	2659039	1994787	-664252	75,0
4.	Келгуси давр харажатлари	531372	528391	637221	+108830	120,6
5.	Дебиторлар	1915637	1526432	2273156	+746724	148,9
6.	Пул маблағлари	124039	361642	81077	-280565	22,4
Жами айланма маблағлар		23766546	25481776	23325725	-2156051	91,5

Жадвал муаллиф томонидан корхона маълумотлари асосида тузилган

**“Норин тола” ОАЖда асосий фондлар самарадорлигини ифодаловчи
кўрсаткичлар таҳлили**

6-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 йилда ўтган йилга нисбатан (%да)
1.	Асосий фондларнинг бошланғич қиймати	М.сўм	6783368	8015264	7297217	91,1
2.	Асосий фондларнинг эскириш суммаси	М.сўм	2226242	3078184	3593795	116,8
3.	Асосий фондларнинг қолдиқ қиймати	М.сўм	4557126	4937080	3593795	75,0
4.	Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори	М.сўм	14846264	16755462	19364977	115,6
5.	Ишчиларнинг йиллик ўртача сони	Киши	125	122	121	99,2
6.	Асосий фондларнинг эскириш даражаси (2қ:1қX100%)	%	32,8	38,4	49,2	128,1
7.	Асосий фондларнинг ишга яроқлилик даражаси (3қ:1қX100%)	%	67,2	61,6	50,8	82,5
8.	Фонд қайтими (4қ:1қ)	Коэф.	2,19	2,09	2,65	126,8
9.	Фонд сиғими (1қ:4қ)	Коэф.	0,46	0,48	0,38	246,7
10.	Меҳнатни фонд билан таъминланганлиги (1қ:5қ)	М.сўм/ киши	54266,9	65698,9	60307,5	91,8

Жадвал муаллиф томонидан корхона маълумотлари асосида тузилган

III-Боб. Корхоналарда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари

3.1. Корхоналарда ишлаб чиқариш тизими самарадорлигини ошириш омилларидан унумли фойдаланиш йўллари

Ишлаб чиқариш тизими самарадорлигини ошириш, хўжалик юритишнинг бозор тизими ҳамда ҳар қандай даврнинг муҳим талабидир. Самарадорлик исталган корхонанинг иқтисодий барқарорлиги ва фаолият юритиш қобилиятини акс эттиради. Ҳар қандай ишда, жумладан, корхоналар фаолиятида самарадорликнинг, ижобий натижаларнинг мавжуд бўлмаслигини, образли қилиб айтганда, оворагарчилик, вақт, куч ва ресурсларни йўқотиш билан изоҳлаш мумкин.

Фан-техника тараққиёти корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб келган ва ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мазкур омилдан қуйидаги йўллар билан фойдаланиш мумкин:

- * ишлаб чиқариш ва меҳнатни механизациялаштириш, автоматлаштириш ҳамда комплекс равишдаги механизациялаштириш;
- * асосий технологик жараёнларни роботлаштириш;
- * прогрессив, меҳнат ҳамда ресурсларни тежашга йўналтирилган технологик жараёнларни амалиётга киритиш ва улардан кенг фойдаланиш;
- * хом ашё ва материаллар (меҳнат предметлари) замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;
- * ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан, ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш;
- * ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилиш.

Амалиётда фан-техника тараққиётининг, жумладан, унинг таркибий қисмларининг аҳамияти ва ролини инкор қилувчи ёки тушунмовчи корхонани топиш амримаҳол. Бирок ушбу омилни амалга ошириш учун фақатгина ҳоҳиш ва истакларнинг ўзигина етарли эмас. Бунинг учун *биринчидан*, фан-техника тараққиётининг айна пайтда зарур бўлган йўналишларини излаш ва аниқлаш, *иккинчидан*, пул маблағларини ва бошқа зарур бўлган ресурслар (инвестициялар) излаб топиш, *учинчидан*, замонавий илмий-техникавий ишламаларга ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик, технологик ва бошқа илмий муассасалар билан керакли алоқаларни “боғлаш”, *тўртинчидан*, ўз илмий-техникавий мақсадларининг самаралилигини ҳисоблаб чиқиш талаб қилинади.

Фан-техника тараққиёти сўнгги пайтларгача эволюцион равишда ривожланиб келмоқда эди. Асосий эътибор амалдаги технологияларни такомиллаштириш, машина ва ускуналарни қисман замонавийлаштиришга қаратилган эди. Бундай чора-тадбирлар маълум бир чекланган натижаларга олиб келарди.

Янги техникаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга киритишдан манфаатдорлик талаб даражасида эмасди. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг хорижий прогрессив технологиялари “эксплуаторлик белгиси” сифатида, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаштириш эса ишсизликнинг асоси сифатида қабул қилинар эди. Хориж тажрибаларига капиталистик тажриба деб қараларди ҳамда бу тажрибаларнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмас эди.

Бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги шароитларда, чуқур сифат ўзгаришлари, тамойиллари янги технологиялар ва сўнгги авлод техникасига ўтиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида қайта қуроллантириш зарур. Шу билан бир қаторда олимлар, конструкторлар, муҳандис ва ишчиларнинг ижодий руҳда меҳнат қилишлари учун иқтисодий ва ижтимоий манфаатдорликни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Япония корхона ва фирмаларида ижодий гуруҳлар, сифат гуруҳлари ташкил қилинган, яъни фан-техника тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлмиш университетлар, илмий марказ ва лабораториялар

билан алоқалар ривожлантирилмоқда. Япониянинг бугунги кунда роботлар ҳамда замонавий техника ва технологияларнинг бошқа турларини яратишда биринчи ўринларда туриши ҳам бежиз эмас.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан яна бири сифатида *мавжуд ишлаб чиқариш салоҳияти* - асосий ва айланма фондлар, ишчи кучидан тежамкорлик асосида, иложи борича унумлироқ фойдаланишни кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари уларга буюмлашган меҳнат сарфланганлиги, яъни корхонанинг бугунги эгаларидан ташқари аввалги авлод вакилларининг ҳам меҳнати мавжудлиги билан изохлаш мумкин.

Бозор шароитларида ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарурияти ҳақида қайта таъкидлашга эҳтиёж йўқ: биринчидан, бозор “вакуумни”, ҳаракатсизликни, хўжасизликни ва йўқотишларни кечирмайди, иккинчидан, ўз имкониятлари ва ресурсларидан етарлича фойдаланмайдиган корхона истикболга эга бўлмайди ҳамда банкротга учрашга асос яратади. Шу сабабли барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланиш ва айниқса ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида тежамкорликка риоя қилиш ҳар бир корхона фаолиятининг муваффақият қозонишининг гарови ҳисобланади.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишда *ташкилий-иқтисодий омиллар*, жумладан, бошқарув ҳам муҳим ўринга эга. Уларнинг аҳмияти ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши ва хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши билан ортиб боради. Бу омиллар қаторига биринчи ўринда, оқилона ишлаб чиқариш шакллари яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш - концентрация, ихтисослаштириш, кооперация ва комбинация қилишни киритиш мумкин.

Бошқарувда эса, бошқариш, режалаштириш, иқтисодий рағбатлантиришнинг усул ва шакллари, яъни корхона фаолиятининг бутун хўжалик механизмини такомиллаштиришда ифодаланади. Корхона раҳбарининг иш стили ва усуллари фан-техника тараққиёти ва бозор иқтисодиётига мос келиши зарур. Масалан, корхона директори билими, тажрибаси ва профессионал малакасига кўра, оддий ходимлар ва бўлинма (хизмат) раҳбарларидан юқори туриши лозим. Акс ҳолда у жамоани керакли тарзда бошқара олиши ҳамда муваффақиятга эришиши ва имиджга эга бўлиши қийин.

Режалаштиришда режаларнинг баланслаштирилиши, кўрсаткичлар тизимини оптимал шакллантириш, режалаштирилаётган мақсадлар ресурслар билан таъминланиши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида корхонадаги иқтисодий фаолиятни кучайтиришни, режалаштириш ва иқтисодий ҳисоб-китобларни ҳамда замонавий компьютер техникаси ва унинг режа иқтисодий ҳисоб-китобларини амалга оширишдаги имкониятларини яхши билувчи, саводли ва малакали иқтисодчиларни танлашни талаб қилади.

Корхона фаолиятининг самарали бўлишида *ишлаб чиқаришни интенсифлаштириш*, ишлаб чиқарилаётган *маҳсулотларнинг тури ва сифатини ошириш* ҳамда жаҳон стандартлари даражасига етказиш, *корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмасини яхшилаш* каби омиллар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Бунга эса замонавий машина ва асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усуллари билан фойдаланиш орқали эришилади.

Албатта, юқорида келтириб ўтилган омилларни амалга ошириш маълум бир ресурслар ва вақт сарфлашни талаб қилади. Бироқ бу муаммоларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзгартирмайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, замон билан ҳамнафас ҳолда ҳаракат қилувчи, барча фаолият турларида тежамкорликка риоя этувчи, ўз салоҳиятидан унумлироқ фойдаланувчи, замонавий фан ва техника ютуқларига таянувчи корхона ўзининг бугунги кундаги муваффақиятларидан ташқари, келажакда ҳам муваффақиятларга эришишини, жумладан, бозордаги ўз ўрни ва рақобатчилик муҳитида қулай аҳволда бўлишини таъминлайди.

3.2. Корхоналарда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда инвестициялардан фойдаланиш

Корхоналар хўжалик юритиш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг муҳим жиҳатларидан бири ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятни ривожлантириш ва сақлаб қолишдир. Корхоналарнинг бу йўналишдаги фаолияти инвестицион фаолият деб аталади ҳамда “Инвестицион фаолият тўғрисида” ги Қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Инвестициялар – корхоналар ва халқ хўжалиги миқёсида янги ишлаб чиқариш корхоналари яратиш ёки мавжуд корхоналарни замонавийлаштириш, илғор техника ва технологияларни ўзлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва фойда (даромад) олишни кўпайтириш мақсадида узоқ муддатли маблағлар киритилишидир. Инвестициялар ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги номуносивликларини бартараф қилиш ва истеъмол бозорини таъминлашда алоҳида эътиборга эга.

Инвестицияларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш, мамлакат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион сиёсати асосида амалга оширилади. Бу сиёсат биринчидан, капитал қўйилмаларнинг устивор йўналишларини, иккинчидан, ишлаб чиқариш кучларини тўғри жойлаштириш ва ривожлантириш, учинчидан, фан-техник тараққиёти ва бутун иқтисодиётнинг ривожланишини белгилаб беради. Инвестицияларнинг “хўжайини” сифатида корхоналарнинг ўзидан ташқари, давлатни, маҳаллий ҳокимият идоралари ва хусусий тадбиркорларни кўрсатиш мумкин.

Молиявий инвестициялар қимматбаҳо қоғозлар, акция ва облигациялар сотиб олиш, пул маблағларини банкларга фоиз олиш мақсадида депозит ҳисоб рақамларига қўйиш билан ифодаланади.

Реал инвестициялар пул маблағларини капитал қурилиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга киритишни ифодалайди. Реал инвестициялар корхона, тармоқ ва бутун халқ хўжалигининг куч-қувватини белгилаб беради.

Инвестиция лойиҳаси капитални корхонани унинг ишлаб чиқариш қуввати ва бошқа сифат кўрсаткичларини кучайтириш мақсадида ривожлантириш ва кенгайтиришга киритишни режалаштириш ва амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасидир. Инвестиция лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- * инвестициявий ғоя(фикр)ни шакллантириш;
- * ғоянинг дастлабки асосланиши;
- * лойиҳада кўзда тутилган техник қарорнинг таҳлили;
- * сертификат талабларининг бажарилишини текшириш;
- * инвестиция лойиҳаси бўйича давлат бошқарув идоралари билан келишув юзага келтириш;
- * ахборот меморандумини тайёрлаш.

Юқорида кўрсатилганларни амалга оширгандан сўнг лойиҳани ишлаб чиқиш ва техник-иқтисодий асослаб бериш (тушунтириш хатидан то инвестицион мўлжалларнинг мақсад ва вазифалари ҳамда қутилаётган натижалар акс эттирилувчи лойиҳа-смета ҳужжатларигача) зарурати туғилади.

Инвестициялар, айниқса гап янги қурилиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш ёки қайта тиклаш ҳақида кетганда, инвестицион жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу жараёнлар инвестицион мақсадларни замон ва маконда боғлайди. Инвестицион жараёнларнинг қуйидагича таркибий қисмлари мавжуд: лойиҳалаштиришдан аввалги асослаш, лойиҳалаштириш, бевосита объект қурилиши (корхонани кенгайтириш ёки қайта тиклаш) ва ишга туширилиши. Корхоналар учун инвестиция жараёнининг сўнгги босқичи муҳим аҳамият касб этади. Ушбу босқичда амалга оширилган янгиликлар эксплуатацион синовлардан ўтказилиб, амалдаги ва лойиҳа

кўрсаткичлари баҳоланади ҳамда инвестиция жараёнининг худди шу жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган четга оғиш ва камчиликлар аниқланади.

Деярли барча фаолият кўрсатувчи корхоналар давлатга тегишли бўлган собик маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитларида инвестицияларнинг асосий манбаи давлат (бюджет) маблағларидан ташкил топар эди. Қўшимча манба сифатида корхоналарнинг амортизация фонди хизмат қиларди.

Мазкур тушунчалар (жамғарма фонди, амортизация фонди, фойда) ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлиб, инвестицияларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Масалан, давлат корхоналари учун асосий инвестиция манбаи қуйидагилар: фойда, амортизация фонди ва бюджет маблағлари, қўшма корхоналар учун - фойда, амортизация фонди ва кредит ресурслари.

Режалаштириш ва бошқарув тизимида шунингдек, инвестиция манбаларини аниқлашнинг ички ва ташқи турларидан ҳам фойдаланилади.

Инвестицияларнинг *ички манбалари* қуйидагилар:

- ишлаб турган асосий капиталга ҳисобланувчи амортизация ажратмалари натижасида шаклландувчи, корхонанинг ўз молиявий воситалари;
- фойданинг инвестиция эҳтиёжларига ажратилувчи қисми;
- суғурта компаниялари ва муассасалари томонидан табиий офат ва бошқа ҳодисаларда тўланувчи маблағлар;
- корхонанинг акциялар чиқариши ва сотиши натижасида олинувчи маблағлар;
- юқори турувчи ва бошқа органлар томонидан қайтариб бермаслик асосида ажратилувчи маблағлар;

• хайрия ва шу каби бошқа маблағлар.

Инвестицияларнинг *ташқи манбалари* қуйидагилар:

- марказий ва маҳаллий бюджетдан, тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи турли хил фондлар томонидан ажратилувчи қайтариб бермаслик асосидаги маблағлар;
- корхоналар Низом жамғармасида молиявий ёки бошқа моддий ва номоддий иштирок шаклида, шунингдек, халқаро молия институтлари ва алоҳида шахсларнинг тўғридан-тўғри қўйилмалари шаклида киритилувчи хорижий инвестициялар;
- давлат ва турли хил фондлар томонидан қайтариб бериш шарти билан берилувчи кредитлар, жумладан имтиёзли кредитлар.

Корхоналарнинг мустақил хўжалик фаолияти шароитларида ички маблағлар таркибида амортизация ажратмалари асосий ўринни эгаллайди. Унинг корхона инвестицион ресурсларидаги улуши 50% ва ундан кўпроқни ташкил этади.

Инвестицион мақсадларга йўналтирилувчи маблағлар танқислиги шароитида лизинг инвестицион фаолиятни фаоллаштирувчи муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Лизинг - молиявий-кредит муносабатларининг шаклларида бири бўлиб, корхоналарнинг қурилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки махсус ташкил қилинган лизинг компанияларидан узоқ муддатга ижарага олишини англатади. Лизинг битимида кўрсатилган томонлардан ташқари инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда уларни бунинг учун зарур бўлган маблағлар билан таъминлаш имкониятига эга бўлган тижорат ёки инвестицион банклар ҳам иштирок этиши мумкин.

Инвестициялардан (капитал қўйилмалардан) фойдаланишнинг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- янги қурилиш;
- корхонани кенгайтириш ва қайта тиклаш;
- ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва техник жиҳатдан қайта куллантириш;
- ҳаракатдаги қувватларни такомиллаштириш.

Янги қурилишга янги майдонларда махсус ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида қурилувчи корхона, бино, иншоот ва қурилмалар мансубдир.

Фаолият юритаётган **корxonани кенгайтириш** кўшимча ишлаб чиқариш мажмуаларининг навбатдаги қисмларини янги лойиҳа асосида қуриш ёки асосий, кўшимча, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришнинг амалдаги цехларини кенгайтириш ёки қуришни англатади. У асосан, фаолият юритаётган корхона ҳудудида ёки унга туташ майдонларда амалга оширилади.

Қайта тиклаш – бу, фаолият юритаётган корxonани маънавий ва жисмоний эскирган қурилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, технологик бўғинлар ва ёрдамчи хизматдаги номутаносибликларни йўқотиш йўли билан алмаштириш ёрдамида тўлиқ ёки қисман ўзгартиришни англатади. Қайта тиклашда эски цехлар ўрнига янги цехларни қуришга рухсат берилади.

Техник қайта қуrolлантириш алоҳида ишлаб чиқариш турларини замонавий талабларга асосан янги техника ва технологияларни киритиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, эскирган қурилма ва ускуналарни янгилаш ва алмаштириш, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ташкил этилишини яхшилаш йўли билан, корxonанинг техник даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасидир. У ишлаб чиқариш интенсивлигини кучайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга йўналтирилган.

Молиявий ресурслар ва ер танқислиги шароитларида, иккинчи томондан эса, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан унумлироқ фойдаланиш учун янги қурилишни нисбатан чекланган ҳолатда, асосан жуда зарур ҳоллардагина амалга оширилади. Шу сабабли бугунги кунда инвестицияларнинг энг кўп тарқалган йўналишлари сифатида, умуман олганда янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳам кўзда тутувчи мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта тиклаш ва техник жиҳатдан қайта қуrolлантиришни кўрсатиш мумкин.

Янги қурилиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қайта тиклашга йўналтирилувчи капитал қўйилмалар асосан қуйидаги элементлардан иборат бўлади:

- * қурилиш-монтаж ишлари харажатлари;
- * машина ва ускуналар сотиб олишга сарфланувчи харажатлар;
- * лойиҳа–қидирув ва бошқа илмий ишланмаларга сарфланувчи харажатлар.

Капитал қўйилмаларнинг юқоридаги турлари *инвестицияларнинг технологик тузилмасини* тавсифлайди. Ҳозирги пайтда иқтисодий ривожланишига киритилувчи капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида қуйидаги тузилма вужудга келди: қурилиш-монтаж ишлари харажатлари - 55-60%, машина ва ускуналар сотиб олишга сарфланувчи харажатлар - 35-30%, лойиҳа–қидирув ва бошқа илмий ишланмаларга сарфланувчи харажатлар - 10%.

Капитал қўйилмаларнинг мулк шаклига кўра тузилмаси – бу, инвестицияларнинг давлат, акциядорлик, кўшма, ижара ва бошқа турдаги жамоа корxonалари ўртасида тақсимланишидир. У капитал қўйилмалардан фойдаланиш, шунингдек, уларнинг шаклланиш тартиби ва манбалари нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Амалиёт шунини кўрсатадики, капитал қўйилмаларнинг самарали тузилмаси уларни тежаш, энг кам харажатлар билан энг кўп фойда олишга тенгдир.

Инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш тузилмаси янги қурилиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта тиклаш ва техник жиҳатдан қайта қуrolлантиришга сарфланувчи харажатлари ўртасидаги ўзаро нисбатни ифодалайди.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги бугун ишлаб чиқариш самарадорлигининг таркибий қисмидир. Турли даражадаги хўжалик фаолиятида инвестицияларнинг иложи борича кўпроқ фойда, қайтим келтириши асосий вазифа қилиб белгиланади. Бу қоидадан четга чиқиш ресурсларни йўқотиш, жамиятнинг илгариги ва ҳозирги меҳнатини йўққа чиқаришга олиб келиши мумкин.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш зарурати, кўшимча капитал қўйилмалар киритилишини талаб қилувчи янги қурилиш, мавжуд ишлаб

чиқаришни кенгайтириш, қайта тиклаш ва техник жиҳатдан қайта курулантириш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва ташкилий-техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш каби барча ҳолларда юзага келади. Баъзан маҳсулотларнинг янги турини ишлаб чиқариш ҳам инвестиция ва бошқа маблағлар киритилишини, демак, харажат ва натижалар нисбатини аввалдан баҳолашни талаб қилади.

Инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолашда қуйидагилар асосий кўрсаткич ҳисобланади:

1) Соф дисконтланган даромад (СДД) - бутун ҳисобот даври учун жорий самаралар йиғиндисининг бошланғич қадамга келтирилган миқдори ёки интеграл натижаларнинг интеграл харажатлардан ошиб кетиши. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$СДД = \sum_{t=0}^T (H_t - X_t) \frac{1}{(1 + E)^t}$$

Бу ерда:

H_t – ҳисоб-китобларнинг t -қадамида эришилувчи натижалар;

X_t – худди шу қадамда амалга оширилувчи харажатлар;

T – ҳисоб-китобларнинг вақт муддати;

E - дисконт нормаси.

Агар инвестицион лойиҳанинг СДД миқдори ижобий бўлса, у ҳолда лойиҳа самарали, яъни инвестиция маблағлари даражасининг қабул қилинган дисконт нормасини таъминловчи ҳисобланади.

Харажатлар ва уларнинг натижалари миқдорини келтириш уларни *дисконтлаш коэффициенти* (d_t) га кўпайтириш асосида амалга оширилиб, бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$d_t = \frac{1}{(1 + E)^t}$$

Бу ерда:

t - натижаларни олиш (харажатларни амалга ошириш) давридан таққослаш давригача бўлган муддат бўлиб, йилларда ўлчанади.

Дисконт нормаси (E) - бошқа инвесторлар ўз маблағларини худди шу турдаги лойиҳаларни амалга ошириш учун киритишга рози бўлувчи, капиталнинг даромадлилиқ коэффициенти (даромад миқдорининг капитал қўйилмаларга нисбати).

Агар дисконт нормаси вақт давомида ўзгарадиган бўлса, дисконт коэффициенти (d_t) қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$d_t = \frac{1}{\prod_{k=1}^t (1 + E_k)}$$

Бу ерда:

E_k – k -йилдаги дисконт нормаси;

t - ҳисобга олинувчи вақт муддати, йил.

Инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлик кўрсаткичларини аниқлашда маҳсулот ва истеъмол қилинувчи ресурсларнинг базис, башорат қилинувчи, жаҳон ва ҳисобий баҳоларидан фойдаланилади.

2) Инвестицияларнинг даромадлилиқ индекси (ИД) - келтирилган самаранинг инвестициялар миқдorigа (K) нисбати бўлиб, қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$ИД = \frac{1}{K} \sum_{t=0}^T (H_t - X_t) \frac{1}{(1 + E)^t}$$

Агар даромадлилик индекси бирга тенг ёки ундан катта бўлса, инвестицион лойиҳа самарали, акс ҳолда эса самарасиз ҳисобланади.

3) Ички даромадлилик нормаси (ИДН) - келтирилган самара миқдори келтирилган инвестиция миқдорига тенг бўлган ҳолдаги дисконт нормаси ($E_{ич}$), яъни $E_{ич}$ (ИДН) қуйидаги тенглик орқали аниқланади:

$$\sum_{t=0}^T (H_t - X_t) \frac{1}{(1 + E_{ич})^t} = \sum_{t=0}^T \frac{K_t}{(1 + E_{ич})^t}$$

Ушбу формула асосида аниқланган даромадлилик нормаси миқдори инвесторнинг капиталга талаб қилувчи даромад миқдори билан таққосланади. Агар ИДН талаб қилинувчи даромад нормасига тенг ёки ундан катта бўлса, у ҳолда лойиҳа самарали ҳисобланади.

4) Инвестицияларнинг қопланиш муддати (T_u) - инвестицион лойиҳани амалга оширишни бошлашдан то натижаларга эришишгача бўлган минимал вақт муддати. У қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$T_u = \frac{I_c}{\Pi_m}$$

Бу ерда:

I_c – соф инвестициялар;

Π_m – лойиҳа келтирувчи ўртача йиллик пул маблағлари оқими, сўм.

Шу билан бирга қопланиш муддати лойиҳанинг даромадлилиги кўрсаткичи ҳисобланмайди. Шу сабабли амалиётда инвестициялар бирламчи капитал (қўйилма)га нисбатан даромадлилик кўрсаткичи орқали кўриб чиқилади ҳамда қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$D_u = \frac{M_n}{K} \times 100$$

Бу ерда:

D_u – инвестициялар даромади, % да;

M_n – солиқлар тўлангандан сўнг қолган фойда, сўм;

K - инвестициялар (бошланғич).

У ёки бу инвестицион лойиҳани танлаш тўғрисида қарор қабул қилишда корхоналар қуйидаги саволларга жавоб бериши лозим:

- * ишлаб чиқаришдаги бугунги ҳолат қанча давом этиши мумкин ва бозорда маҳсулотга (иш, хизматга) бўлган талаб қандай;
- * капитал киритиш учун имкониятлар қандай;
- * рақобатчилик фаолияти қандай;
- * қандай муваффақият омиллари мавжуд;
- * янги бозорга кириш учун қандай имкониятлар мавжуд.

Иқтисодий самарадорликни баҳолашнинг *иккинчи ҳолатида*, яъни маблағларни мавжуд ишлаб чиқаришга киритишда қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади:

а) инвестицияларнинг ҳар бир сўмига тўғри келувчи қўшимча маҳсулот қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\varepsilon = \frac{(ЯМ_1 - ЯМ_0)}{I_k}$$

Бу ерда:

Э – инвестициялар самарадорлиги;
 ЯМ₀, ЯМ₁ – ялпи маҳсулот, мос равишда бирламчи ва қўшимча инвестицияларда;
 И_к – қўшимча инвестициялар миқдори.

б) инвестицияларнинг ҳар бир сўмига таннархнинг пасайиши:

$$\mathcal{E} = \frac{Q(TH_0 - TH_1)}{I_k}$$

Бу ерда:

ТН₀, ТН₁ - маҳсулот бирлиги таннархи, мос равишда, бирламчи ва қўшимча инвестицияларда;

Q – қўшимча инвестициялар киритилгандан кейинги йиллик маҳсулот ҳажми, натурал ўлчов бирл.

в) инвестицияларнинг ҳар бир сўмига маҳсулот ишлаб чиқаришдаги меҳнат харажатларини қисқартириш:

$$\mathcal{E} = \frac{Q(M_0 - M_1)}{I_o}$$

Бу ерда:

М₀, М₁ – маҳсулот бирлигига ишлаб чиқаришда сарфланувчи меҳнат харажатлари, мос равишда қўшимча инвестициялар киритилгунча ва ундан сўнг

г) инвестицияларнинг ҳар бир сўмига фойдани ошириш:

$$\mathcal{E} = \frac{Q(\Phi_1 - \Phi_0)}{I_o}$$

Бу ерда:

Φ₀, Φ₁ – маҳсулот бирлигига тўғри келувчи фойда, мос равишда қўшимча инвестициялар киритилгунча ва ундан сўнг.

е) инвестицияларнинг қопланиш муддати.

Инвестициялар самарадорлигини келтирилган формулалар асосида (бошқарув даражасини инобатга олган ҳолда) аниқлаш ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қанча миқдорда инвестиция киритилган ва унинг натижаси қандай деган саволга жавоб беради, яъни у инвестицияларнинг мутлақ (абсолют) самарадорлигини тавсифлайди.

Амалиётда кўпинча инвестицион қарорларнинг турли хил вариантлари кўриб чиқилиб, улардан энг мақбулини танлаб олишга ҳаракат қилинади. Бу мақсадда капитал қўйилмаларнинг солиштирма иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари қўлланиб, улар қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$T_n = TH + E_n \times K$$

Бу ерда:

ТН - маҳсулот таннархи;

К - капитал қўйилмалар;

E_н - капитал қўйилмаларнинг самарадорлик нормаси.

Агар инвестицион қарорларнинг бир нечта вариантлари кўриб чиқиладиган бўлса, келтирилган харажатлар энг минимал бўлган вариант танлаб олинади.

Иқтисодий самардорликни баҳолаш жараёнида киритилувчи инвестицияларнинг қопланиш муддатини аниқлашнинг ўзига хос ўрни бўлиб, у қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$T_{ок} = K / (\Phi_{p1} - \Phi_{p0})$$

Бу ерда:

К - асосий ишлаб чиқариш фондларига киритилувчи капитал қўйилмалар ҳажми;

Φ_{p1} - режалаштирилаётган даврнинг сўнгги йилидаги фойда;

Φ_{p0} - базис йилдаги фойда (режадан олдинги даврнинг сўнгги йили).

Капитал қўйилмаларнинг самарадорлик коэффиценти қопланиш мудатига тескари бўлган катталиқдир. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$E = (\Phi_{p1} - \Phi_{p0}) / K$$

Вақт омили, айниқса, инвестор (бююртмачи) нуқтаи назаридан киритилаётган ресурсларнинг ҳақиқий самарадорлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Шу сабабли қурилиш, қайта тиклаш ва кенгайтириш, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ишлари қанчалик тез бажарилса, инвестор ва пудратчи учун шунчалик фойдали бўлади. Қурилган объектни муддатидан аввал фойдаланишга топширишдан олинувчи қўшимча фойда ($\mathcal{E}_{кф}$) орқали иқтисодий самара қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\mathcal{E}_{кф} = E_n \Phi (T_{ш} - T_a)$$

Бу ерда:

E_n - самарадорликнинг норматив коэффиценти;

Φ - муддатидан аввал фойдаланишга топширилувчи асосий фондлар қиймати;

$T_{ш}$ - объектни фойдаланишга топширишнинг шартномадаги муддати;

T_a - объектни фойдаланишга топширишнинг амалдаги муддати.

Хулоса ва таклифлар:

Битирув малакавий ишни бажариш жараёнида корхоналарда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан қуйидаги хулоса ва таклифларни берамиз:

1. Жамият тараққиётини моддий базаси ишлаб чиқариш билан ҳосил қилинади. Ишлаб чиқариш меҳнатга яроқли бўлган иш кучи билан ишлаб чиқариш воситаларини ҳаракатга келтирилиши туфайли моддий неъматлар ҳосил қилинади. Ишлаб чиқаришнинг моддий мазмунини меҳнат жараёни ташкил этади. Меҳнат жараёнида инсон ўзининг мақсадига мувофиқ онгли фаолияти орқали (бу меҳнат деб аталади) табиат моддалари ёки ашёларни жамият эҳтиёжларини қондириш учун зарур маҳсулотларга (ёки хизматларга) айлантиради.

2. Ҳар бир корхонанинг асосий фаолияти - маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатишга йўналтирилган асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи жараёнларнинг йиғиндисидан иборат.

3. Корхонанинг ишлаб чиқариш структураси қуйидаги ўзаро боғлиқ бўлган учта омиллар: корхонани ихтисослаштириш даражаси ва бошқа корхоналар билан биргаликда иш олиб бориш асосида ташкил этиш шакли (кооперация); корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами (масштаби) ва унинг мураккаблиги; технологик жараённинг хусусиятларига боғлиқ.

4. Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи ва ишлаб чиқаришда амал қиладиган кучлар унинг омиллари ҳисобланади. Ўсиш юз бермаса иқтисодиёт статик (ўзгармас), аксинча бўлса динамик (ривожланувчи) ҳолатда бўлади. Иқтисодий динамикани эса ишлаб чиқаришни ўстирувчи омиллар таъминлайди.

5. Умумлашган ҳолда олинганда иқтисодий ўсиш икки омилга-меҳнат сарфининг массасига ва меҳнат унумдорлигига боғлиқ. Лекин улар бошқа кичик омиллар ҳосиласига меҳнат массаси ишловчилар сонига ва ишланган вақтга боғлиқ.

6. Меҳнат инсоннинг ажралмас хусусияти бўлганлиги учун назарияда ва амалиётда меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган кишилар йиғиндисини меҳнат ресурслари деб юритилади. Меҳнат ресурслари ишлаб чиқаришнинг шахсий омили ёки инсон омилини ташкил этади.

7. Меҳнат жараёнида фойдаланиладиган воситалар (бирламчи табиат моддалари ва қайта ишланган табиат моддалари) ҳамда меҳнат жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий шарт-шароитлар ишлаб чиқаришнинг буюмлашган ёки моддий омилни ташкил этади.

8. Ҳозирги замон иқтисод фани ишлаб чиқариш омили деб ишлаб чиқариш натижаларини белгилаб берувчи объектлар, элементлар ёки шарт-шароитларни тушунади. Ишлаб чиқариш омиллари тўрт асосий гуруҳга бўлинган ҳолда таҳлил қилинади: ер, капитал, меҳнат ва тадбиркорлик қобилияти.

9. *Ер* табиий омил сифатида қаралади. У инсон фаолиятининг маҳсули эмас, балки табиатнинг инъомидир. Омилларнинг ер деб номланадиган гуруҳига барча табиий бойликлар, фойдали қазилмалар конлари, ишлов берилаётган ерлар, ўрмонлар киради.

10. *Капитал* ишлаб чиқаришнинг омили сифатида товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган неъматларнинг йиғиндисидан иборатдир. Уларга асбоб-ускуналар, машиналар, бинолар, омборлар, транспорт коммуникациялари, алоқа воситалари ва бошқалар киради. Кенг маънода олиб қаралганда, моддий капитал тушунчаси ўз таркибига хомашё ва материалларни ҳам олса-да, тадқиқотчилар капитал тушунчасини ишлаб чиқаришда кўп марта ишга солинадиган моддий элементлар билан чеклайдилар.

11. Товар ва хизматларни яратишда ишга солинадиган инсоннинг ақлий ва жисмоний қобилиятлари *меҳнат* омилни ташкил этади. Қобилиятлар йиғиндиси ходимнинг маълумот даражаси, касбий таълим эгаллаганлиги, кўникмалари, жисмоний

салоҳияти ва бошқа хусусиятлари билан белгиланади, Буларнинг ҳаммаси замонавий фанда инсон капитали тушунчаси билан ифодаланади.

12. *Тадбиркорлик қобилияти* ишлаб чиқаришнинг ўзига хос омили бўлиб, инсоннинг ишлаб чиқаришнинг бошқа омилларини муайян комбинацияларда ва усулларда бирлаштира олиш қобилиятини билдиради. Бу қобилият тадбиркорда мужассамлашади ҳамда инсон капиталининг алоҳида туридир. Тадбиркорлик қобилияти инсонда ўз-ўзидан пайдо бўла олмайди, у инсонга тадбиркорлик учун зарур билимлар ва кўникмаларни сингдириш йўли билан ҳосил қилинади.

13. Ҳозирги ишлаб чиқариш жараёнида энергия ва ахборотнинг аҳамияти ошиб боради. Шубҳасизки, қудратли энергия манбаларини ўзлаштирмасдан туриб, ишчи кучи, меҳнат буюмлари ва воситаларининг ўзаро таъсирини самарали бўлишига эришиш мумкин эмас.

14. Корхоналарда иқтисодий ўсишни таъминлаш – корхона раҳбариятининг доимий вазифасидир. Бу вазифани ечиш амалиётда қуйидаги омиллар билан боғлиқ бўлади:

- * бозор талабларига жавоб берувчи юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда энг кам харажатлар билан ишлаб чиқаришнинг максимал ҳажмини таъминловчи, оптимал ишлаб чиқариш жараёнини танлаш;

- * истеъмолчилар талабини қондиришга йўналтирилган маҳсулотни сотиш ва юқори даромад (фойда) олиш;

- * айланма воситаларни тежаш имкониятини яратувчи оптимал ишлаб чиқариш заҳираларини яратиш.

15. Ишлаб чиқариш тизими самарадорлигини ошириш, хўжалик юритишнинг бозор тизими ҳамда ҳар қандай даврнинг муҳим талабидир. Самарадорлик исталган корхонанинг иқтисодий барқарорлиги ва фаолият юритиш қобилиятини акс эттиради. Ҳар қандай ишда, жумладан, корхоналар фаолиятида самарадорликнинг, ижобий натижаларнинг мавжуд бўлмаслигини, образли қилиб айтганда, оворагарчилик, вақт, куч ва ресурсларни йўқотиш билан изоҳлаш мумкин.

16. Фан-техника тараққиёти корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Мазкур омилдан қуйидаги йўллар билан фойдаланиш мумкин:

- * ишлаб чиқариш ва меҳнатни механизациялаштириш, автоматлаштириш ҳамда комплекс равишдаги механизациялаштириш;

- * асосий технологик жараёнларни роботлаштириш;

- * прогрессив, меҳнат ҳамда ресурсларни тежашга йўналтирилган технологик жараёнларни амалиётга киритиш ва улардан кенг фойдаланиш;

- * хом ашё ва материаллар (меҳнат предметлари) замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;

- * ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан, ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш;

- * ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилиш.

17. Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишда *ташкилий-иқтисодий омиллар*, жумладан, бошқарув ҳам муҳим ўринга эга. Уларнинг аҳмияти ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши ва хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши билан ортиб боради. Бу омиллар қаторига биринчи ўринда, оқилона ишлаб чиқариш шакллари яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш - концентрация, ихтисослаштириш, кооперация ва комбинация қилишни киритиш мумкин.

18. Корхона фаолиятининг самарали бўлишида *ишлаб чиқаришни интенсификаштириш*, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури ва сифатини ошириш ҳамда жаҳон стандартлари даражасига етказиш, *корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмасини яхшилаш* каби омиллар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Бунга эса замонавий машина ва

асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усулларидадан фойдаланиш орқали эришилади.

19. Корхоналар хўжалик юритиш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг муҳим жиҳатларидан бири ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятни ривожлантириш ва сақлаб қолишдир. Корхоналарнинг бу йўналишдаги фаолияти инвестицион фаолият деб аталади ҳамда “Инвестицион фаолият тўғрисида” ги Қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

20. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги бутун ишлаб чиқариш самарадорлигининг таркибий қисмидир. Турли даражадаги хўжалик фаолиятида инвестицияларнинг иложи борича кўпроқ фойда, қайтим келтириши асосий вазифа қилиб белгиланади. Бу қоидадан четга чиқиш ресурсларни йўқотиш, жамиятнинг илгариги ва ҳозирги меҳнатини йўққа чиқаришга олиб келиши мумкин.

21. Инвестициялардан (капитал қўйилмалардан) фойдаланишнинг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- янги қурилиш;
- корхонани кенгайтириш ва қайта тиклаш;
- ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш;
- ҳаракатдаги қувватларни такомиллаштириш.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.:Ўзбекистон, 1997.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Корхоналар тўғрисида». -Т.: «Адолат», 2000.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 2005 йил 14 июнь, ПФ№3618.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори «2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида». 2005 йил 14 март ПҚ№29.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодий реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашни таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. 2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодий барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида. 2009 йил 13 февраль.
11. Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. 7-том. Т.: Ўзбекистон, 1996.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон: иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент., Ўзбекистон, 1996.
13. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодий, мафкура. 1-том. Т.: Ўзбекистон, 1996.
14. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-том. Т.: Ўзбекистон, 1998.
15. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т.: Ўзбекистон, 1998.
16. Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб ислохотлар йўлидан изчил бориш асосий вазифамиз. Тошкент оқшоми, № 24. 10 февраль, 2004.
17. И.А.Каримов “2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси”. “Халқ сўзи газетаси” 2009 йил 14 март
18. Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч».- Т.: “Маънавият”, 2008 йил.
19. И.А.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Тошкент -“Ўзбекистон”-2009 йил
20. И.А.Каримов “Асосий вазфамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” Тошкент -“Ўзбекистон”-2010 йил.
21. И.А.Каримов “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Тошкент - “Ўзбекистон”-2010 йил.

22. И.А.Каримов “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” Тошкент - “Ўзбекистон”-2011 йил.
23. Ислом Каримов. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади.// Тошкент:Ўзбекистон, 2012 йил
24. Каримов.И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” Т: “Ўзбекистон”-2013 йил
25. Каримов.И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Т: “Ўзбекистон”-2014 йил
26. Ислом Каримов. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Тошкент:Ўзбекистон, 2015 йил.
27. Абакумова Н.Н., Подовалова Р.Я. Политика доходов и заработной платѹ: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 1999.
28. Абдурахмонов К.Х., Мамарасулов Ф.У. «Меҳнат иқтисоди». –Тошкент, ТДИУ, 1996.
29. Абдурахмонов К.Х., Муртазаев Б.Ч. «Меҳнат бозори» (Ўқув қўлланма). Тошкент, ТДИУ.
30. Абдурахмонов К.Х. ва бошқ. – «Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси» – Дарслик Т.: Ўқитувчи, 2001.
31. Абдуғаниев А., Мирзакаримова М. Ўтиш даври иқтисодиётида меҳнат бозори – Тошкент, «Меҳнат», 1999.
32. Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти. Тошкент. ТДИУ 2004 й
33. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари – Тошкент, «Меҳнат», 1997. –223 б.
34. Шодмонов.Ш. «Иқтисодиёт назарияси» Т. «Молия» 2000.
35. Зайнутдинов Ш.Н., Исмоилова Т.С. «Ишлаб чиқариш менежменти», ўқув қўлланма, -Т.: ТДИУ, 2003.
36. Фатхутдинов Р.А. «Ишлаб чиқиш менежменти», -М.: 2001.
37. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. -Т.: Ўқитувчи 2002.
38. Адамчук В.В. и др. «Экономика труда». Учебник. –М.: ЗАО «Финстатинформ», 1999. –431 с.
39. Адамчук В.В. и др. Экономика и социология труда: - Учебник для вузов. –М.: ЮНИТИ, 1999.
40. О.Ўринбоев “Корхона хўжалик фаолияти самарадорлиги” “Бозор, пул ва кредит” журнали, 2002 йил 1-сон.
41. А.Бурхонов “Инқирозга қарши бошқариш дастурини шакллантириш тамойил ва услублари” “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси” журнали, 2003 йил, 8-9- сонлар.
42. Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010.
43. Стратегии модернизации и обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста. Форум экономистов Узбекистана. Т.: «SMI-ASIA», 2011
44. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011

Интернетдан олинган маълумотлар:

45. Производственный процесс и типы производств. <http://www.aup.ru/books/m83/7.htm>
46. “Факторы и типы экономического роста” <http://www.elitarium.ru/2007/10/26>